

ҲАҚ СЎЗНИ АЙТИШ ОСОН ЭМАС

Қайси бир тизим ёки раҳбарни
бадном қилиш учун баъзи
журналистлар қимларнинг дид
бунюртмаси билан мақола
ёзишади...

3
бет

БАДНАФСЛИК ҚҲРСИН

... нафсига эрк берган
раҳбарнинг дастидан давлат
ва жамият манфаатларига
1.170.327.000 сўмлик зарар
етган.

5
бет

ҚИЗАЛОҚНИНГ ҚИЗГАЛДОҚ УМРИ

... у гўдагининг бурнини қисиб,
оғиз очишга мажбур этади.
Иккинчи кўли билан флакондаги
ўқусини унинг оғзига қуйиб
қуборади.

6
бет

КАЛАШНИКОВНИНГ ДАЪВАТИ

«Мен яратган қуроладан миллий
озодлик кураши йўлида фойдала-
нишлари ташвишлангирмайди.
Лекин бу қуроо пинч аҳолига
қараталишидан изтироб чекаман»

7
бет

Mustaqillik huquq demakdir

Нидо

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2006-yil 21-iyun, № 25 (444)



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI

Jarayon

Дунё сиёсатчиларининг эътирофига, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг нуфузи ва салоҳияти тобора ортиб бормоқда. Бундан беш йил аввал асос солинган мазкур ташкилот дунё сиёсий ва геополитик жараёнида минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминловчи етакчи кучга айланди. Жаҳон аҳолиси чорак қисмининг манфаатини бирлаштиручи мазкур ташкилотга қизиқувчи давлатлар сони ортиб бораёпти. Ўзбекистон ҳам ШХТнинг тенг ҳуқуқли аъзоларидан саналади. Мамлакатимизнинг минтақадаги унга аъзо барча давлатлар билан чегарадош эканлиги янги имкониятларга замин яратди.

Нуфузли анжуман

Дунё харитасига эътибор берсак, ушбу ташкилотга аъзо давлатларнинг ҳудуди 30 млн. квадрат-километрдан ортқидир. Эътироф этиш жоизки, ташкилот ўтган давр мобайнида тақомиллашув ва ривожланиш йўлидан бормоқда. Унинг таркибида БМТ Хавфсизлик кенгашининг иккита доимий аъзоси — Россия ва Хитойнинг борлиги ташкилот нуфузини янада оширади. Ўтган ҳафтада мазкур ташкилотнинг беш йиллик юбилей саммити бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз президенти Ислам Каримов ҳам иштирок этди. Саммитда халқаро аксилтеррор тузилмаси фаолиятини ривожлантириш, аъзо давлатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий алоқаларни кенгайтиришга оид қатор масалалар муҳокама қилинди. Президентларнинг учрашувларида ШХТ доирасида ташкил этилган минтақавий аксилтеррор тузилмаси фаолияти билан кенг қўламда ахборот аламинини йўлга қўйилганлиги алоҳида таъкидланди. Шунинг натижасида ўтган йилнинг ўзига минтақада содир этилиши мумкин бўлган бир нечта террорчилик ҳаракатининг олди олинди.

Саммитда президентлар молиявий ҳамкорлик, сув-энергетика захиралари, ерости ва ерусти бойлиқларидан унумли фойдаланиш, коммуникация ва ахборот тизимини берпо этиш лойиҳалари юзасидан ҳам фикр алмашди. Анжуманда бир қатор давлатларнинг президентлари кузатувчи сифатида қатнашиш-

ди. Мамлакатимиз президенти саммитда сўзлаган нутқида халқаро ҳамжамиятнинг сайёҳаракатларига қарамасдан жаҳон таҳдид ва хавф-хатарлардан халос бўла олмаётганини таъкидлади. Бунга Афғонистондаги беқарорлик сабаб эканлиги баён этилди.

ШХТ давлат раҳбарлари кенгашининг саммити низоҳосида бир қатор шартномалар имзоланди. Энг муҳими, саммитда минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг узоқ вақтга мўлжалланган дастури имзоланди. Унга кўра, ШХТ мамлакатлари ҳудудида қўшма аксилтеррор машқларини ўтказишга келишиб олинди.

Саммит қатнашчилари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар. Унда президентлар журналистларга ШХТ доирасидаги алоқаларга доир ва бошқа қатор масалалар юзасидан атрофича фикр алмашилганини қайд этдилар. Мамлакатимиз раҳбари мазкур саммит ташкилотнинг нуфузини яна бир бор намоён этганини, ШХТнинг келажаги бундан кейинги ҳаракатларимизга боғлиқлигини таъкидлади.

Умуман, ШХТнинг юбилей саммити унга аъзо ва кузатувчи давлатлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан самарали ўтди дейишимизга етарли асос мавжуд.

Тоҳир САИДБОБОВ



Пойтахтимиз Тошкент кун сайин чирой очиб бормоқда. Янгидан-янги ишшоотлар, равион йўллр, сўлим боғлар барпо этиляпти. Бу ободончиликларда айниқса йўлсозлари мизини кўшайтган ҳиссалари каттадир. Ҳозирда Чилонзор туманида қуриб битказилмаётган кўплик пойтахтимиз кўчаларига янада салобат ва кўркемлик бағишлаш билан бирга транспорт қатновчи учун қулайлик туғдиради.

СУРАТЛАРДА: қурилиш ишларидан лавҳа; ишчилар Абдулазиз Маъдиев(чапдан), Аҳад Обиджонов, участка бошлиги Ассорин Евгений ва Раҳим Ибрагимовлар иш пайтида.

Tahlil

Эргаш МЕНГЛИЕВ,
Хоразм вилояти прокурори

АДОЛАТ СЎЗДА ЭМАС, АМАЛДА БЎЛСИН

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан прокуратура органлари ҳам четда қолгани йўқ. «Прокуратура тўғрисида»ги қонунга кўра қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш прокуратура органларининг асосий вазифасидир.

Турли соҳаларда содир қилинаётган қонунбузарликларни бартафат этишда давлатнинг назорат органлари муҳим ўрин тутса-да, 2006 йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида Хоразм вилоят назорат органлари ўтказган 900 дан ортқ текшириш натижасига кўра тергов органларига бор-йўғи 72 та жиноят аломати мавжуд материаллар ўтказилган. Уларнинг ҳам асосий қисми солиқ ва молия идораларидан бўлиб, қолган органлар қонунда белгиланган ваколатидан тўлиқ фойдаланмаётганлиги оқибатида қонунбузилиш ҳолатларини аниқлашда жиддий камчиликларга йўл қўйган.

Ўзбекистон президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида прокуратура органларига назорат органлари фаолиятини таҳлил этиб бориш юклатилган эди. Вилоят прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида назорат органлари фаолияти юзасидан 80 дан ортқ текшириш ўтказилиб, 14 та ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилган. Биргина вилоят солиқ бошқармаси ва унинг қуйи инспекцияларида ўтказилган текширишда қонунга зид ҳужжатларга 31 та протест келтирилиб, 36 нафар солиқчи интизомий жавобгарликка тортилган.

(Давоми 4-бетда).

Xabar

Республика Бош прокуратурасида

Ўтган ҳафта Бош прокуратурада республика прокуратураси органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги «Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзининг устав жамгармасини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги қарорининг 2004 — 2005-йиллардаги ижроси юзасидан маҳаллий ҳокимият ва солиқ идораларида ўтказилган текшириш натижаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишга Бош прокурор ўринбосари Равшан Муҳитдинов раислик қилди.

Кун тартибига кўра мазкур қарор ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижалари бўйича Бош прокуратуранинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бош-

қармаси бошлигининг ўринбосари С.Самадов маъруза қилди.

Маърузада ушбу қарор ижросини таъминлашда маҳаллий ҳокимият ҳузуридagi махсус комиссиялар, солиқ инспекциялари томонидан корхоналарни тугатишда турли суниестемолчиликларга йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилди. Бундан ташқари, ўтказилган текширишлар бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бор-йўғи 232 та материал ўтказилган, холос.

Прокуратура органлари ўтказган текшириш якунига кўра, 1000 га яқин прокурор назорати ҳужжати қўлланиб, аниқланган жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 33 та жиноят иши қўзғатилган.

Йиғилишда текшириш якунлари бўйича Тошкент шаҳар ДСБ бошлиғи З.Ҳошимжонов, Тошкент вилояти ДСБ бошлиғи Н.Эрбеков, Самарқанд вилояти

ДСБ бошлиғи Р.Қўчқоров, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Б.Тоҳиров, Наманган вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Болтабоев, Жиззах вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Тураев, Жиззах ва Хоразм вилоят прокурорларининг ўринбосарлари С.Шерназаров ва И.Давлетовлар тушунтириш бердилар.

Шунингдек, Давлат солиқ қўмитаси раисининг 1-ўринбосари Э.Ғадоев, Адлия вазирининг ўринбосари Е.Канизовлар ҳам сўзга чиқиб, қарор ижроси бўйича мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилиш якунида Бош прокурор ўринбосари Р.Муҳитдинов барча мутасадди идоралар ҳамкорлигида қарор ижросини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиб, жойларга юборилиши кераклигини қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси матбуот
хизмати

Меҳр-окибат, инсонийлик — бу нафақат бировга мурувват кўрсатиш, балки бошқанинг дарди ва кечинмаларига қўлқо солиш ҳамдир. Кўпинча фуқаролар давлат идораларига берган аризалари бесабаб кўрилмаётгани ёки ҳеч бир жавоб бўлмаётганини ҳақида гапириб қолишди. Шундай пайтда халқнинг дардига бефарқ бўлган ўша мансабдор тўғрисидаги фикрнинг батамом ўзгаради...

Эътиборсиз бўлмайлик!

Адолатли одамлар биринчи навбатда ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, муаммоларининг ҳал этилиши самараси билан белгилайди. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан «Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида»-ги қонун ижроси юзасидан назорат ўрнатилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш чоралари кўрилувчида.

Таъкидлаш керакики, баъзи ҳокимиятлар томонидан «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»-ги қонуннинг 25-моддаси талабига зид равишда, аҳолини қабул қилиш ва уларнинг муурожаатларини кўриб чиқишга беларовлик билан қаралган. Фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқишга тўраларча ёндоқилиб, ҳал қилишни сансалоликка солинган ва қонунда белгиланган муддатларда жавоб юборилмаган.

Жумладан, Гиждувон туман ҳокимиятининг биринчи ўринбосари Х.Дехқонов фуқаролар Т.Раззоқова, Ш.Ҳошимов ва бошқаларнинг қўшимча ўрганишни талаб қилмайдиган аризаларини 100 кунга яқин,

Бухоро тумани ҳокимиятининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Х.Очилов фуқаро Н.Ариповнинг аризасини 100 кундан ортиқ вақт мобайнида текширган. Бундай қонунбузилишлар Наманган, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида ҳам кузатилади.

Шунингдек, фуқаролар йиғинлари раисларининг ўз вазифасига масъулият билан ёндошмаганликлари оқибатида Мингбулоқ туманидаги «Қўриқбод», «Ойбек», «Пахтакор», Навбахор туманидаги «Беш-

работ», «Кескантрак», «Арабсой» қишлоқ фуқаролар йиғинларида фуқаролардан келиб тушган аризаларни қабул қилмаслик, рўйхатга олиш дафтарларини юритмаслик ва аризалар юзасидан қонунда белгиланган муддатда жавоб бермаслик каби қонунбузилишларга йўл қўйилган. Республика миқдосдаги деярли барча фуқаролар йиғинларида шундай қамчиликлар мавжуд.

Жойлардаги назорат текширув ва бошқарув органлари фойдалигида ҳам фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқишда қонунбузилиш ҳолатлари учрайди. Хусусан, Самарқанд шаҳар Архитектура ва қурилиш бошқармаси бош архитектори А.Фанев 2005 йилда фуқаролардан тушган 37 та муурожаатларни тегишли тартибда рўйхатга олмай, кўриб чиқмаган бўлса, «Навоийзо» АЖ раҳбарияти фуқаролар Ш.Мустафоева, Т.Мамедов, Н.Якубов, Ф.Исмоилов, Г.Кенжаев, О.Худойназаров ва бошқалардан тушган иш ҳақларини ўз вақтида ололмаётгани ҳамда моддий ёрдам бериш ҳақида ёзган аризаларини эътиборсиз қолдирган. Бун-

дай кўнгилсиз ҳолатларга рўбарў келган оддий фуқароларнинг ўй-кечинмаларини ҳис этиш қийин эмас.

Ҳукуматимиз томонидан фермерлиқни ривожлантириш борасида қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Шундай бир пайтда, жойлардаги баъзи масъул мансабдор шахсларнинг ўз вазифаларига совуққонлик билан қарашлари соҳа ривожига тўсиқ бўляпти. Жумладан, Шахрихон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигида ўтқа-

зилган текширишда 2001 — 2005-йиллар давомида фуқаролардан ер ажратилиш ҳақида тушган 120 та аризалар ўз вақтида кўриб чиқилмаган. Бундай ҳолатлар нафақат Андижон, балки республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам учрайди.

Ҳар бир муурожаат ортида инсон тақдирини муҳасам эканлигини унутмаслик керак. Зеро, аризага қонунда белгиланган муддатда жавоб бермаслик шикоятбозликнинг кўпайишига туртки бўлади. Оқибатда қанча асаббузарлик, югур-югурлар юзга келади. Республика прокуратураси органлари томонидан «Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида»-ги қонун ижроси юзасидан 2005 йил ҳамда 2006 йилнинг 1-чорагида ўтқазилган текшириш натижаларига кўра, қонунга зид ҳужжатларга нисбатан 235 та протест, фуқароларнинг манфаатларини кўзалаб эса судларга 37,7 млн. сўмлик 120 та аризалар киритилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 37 та жиноят ишлари кўзгатишган.

Салом САМАДОВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи ўринбосари

Бир туман ташвишлари

Гулистон тумани Сирдарё вилоятининг марказида жойлашган Гушта. Туман бошқа жойлардаги каби муаммолардан холи эмас. Муаммоларни ечиш, тўсиқларни бартараф этишда прокуратуранинг ҳам ўрни бор.

Яқинда туман ҳудудидан ўтган Сирдарёнинг ирмоқларидан бирида рейд ўтказдик. Балиқтарга электр токи орқали қўрон келтирилган бўлиб, бу ҳақда қонунбузарларни ушлаб жаобгарликка тортидан. Масалан Ш.Мўминов (исмлар ўзгартirilган) ва унинг укаси К.Мўминовлар бу таққидланган мослама ёрдамида балиқ овлаб, табиатга жами 824.000. сўмлик зарар етказганлар. Ҳаммасидан ачинадигиси электр токи ёрдамида балиқ тутилганда сон-саноксиз майда балиқлар ҳам қўрилиб кетди. Афсуски, улар бунни билишарди. Шундай бўлса-да улар бу ишни амалга оширишган.

Чўл шариҳтида дарахт ўстиришнинг ўзинга ҳос машаққатлари бор. Баъзи бир фуқаролар эса дарахт экиш, ўстириш ўрнига уларни қирққишга қўл урганликларини қандай тушуниш мумкин? Масалан, фуқаро У.Мирзахонов тумандаги «Ҳайитбой ота» фермер ҳўжалиги ҳудудидида 0,5 гектар, О.Мирзахонов эса «Элбек» фермер ҳўжалиги ҳудудидида 0,2 гектар ердаги туг дарахтларини туби билан кесиб ташлаган.

Яна бир муаммо шунданки, баъзи бир шахслар сурункали равишда электр энергияси учун тўловларни амалга оширмай келмоқдалар. Қўширноқ ичидаги талбирқорлар эса ноқонуний равишда қўлбола мосламаларни электр тармоғига улаб олганлар. Масалан, 2006 йил 5 мартда тумандаги «Уч қаҳрамон» ФХУда яшовчи Эркин Бойтўраев чигитдан ёки ишлаб чиқарадиган қўлбола ускунани электр тармоғига улаб олганлиги аниқланди. Ҳудди шундай ҳолат Гулистон тумани Боев ФХУда яшовчи Аваз Эгамназаров томонидан ҳам содир этилган. Текширишда ушбу шахс қисқа муддат ичида туман электр тармоқлари корхонасига 150 минг сўмлик зарар етказганлиги аниқланган.

Аҳоли ўртасида ҳам электр энергиясига тўловлар юзасидан ўтқазилган текширишларда «тўлашни ёқтирмайдиган»лар сараланиб қолди. Ҳозирги замонда электр энергиясиз турмушни тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳўп, шундай экан нима учун фойдаланган электр энергиясизнинг пулини ўз вақтида амалга ошириб қўймаслигимиз керак?

Масалан, Уч-қаҳрамон ФХУ Фурақат маҳалласида яшовчи фуқаролар Курбон Усканов, Алибой Бойтўраев, Аҳмад Ярлақабов ва бошқалар ўз вақтида тўловларни амалга оширмаганликлари натижасида давлатга 423.665 сўмлик зарар етган.

Барчамиз ўз мажбуриятларимизни тўлақонли англаб етсакки мана шундай қонунбузилишларга ўрин қолмайди.

Юсуф МУСАЕВ,
Гулистон туман прокурори

Жабрланувчида ҳам айб бор

Ёз келиб, олий ўқув юртлирида ҳужжат қабул қилиш бошлангиси билан фарзандлари келажакка бефарқ бўлмаган ота-оналар ўғли ё қизини нуфузли ўқув юртига киритиш тараддуғига тушиб қоладилар. Бу яхши албатта. Бироқ, айрим ота-оналар фарзандларининг билимию қобилияти ҳақида уйлаб ҳам кўрмай, қай йўл билан бўлса-да, боласини обрўлироқ ўқув юртига жойлаш йўлларини қидиради. Ҳатто бу йўлда толган-тутганларини «учарларга олдириб, сўнг ҳуқуқ-тартибот органларига ариза билан келиб ўтирадилар.

Олтимси ёшни қоралаб қолган, ҳамон ҳў ҳаваслар етагида юрган ҳамшаҳримиз Шоксим Шомўхсинов (исмлар ўзгартirilган) бе-

рилмоқда) икки бор жазосини ўтаб чиқиб ҳам тавбасига таянмаган экан.

Олий ўқув юртлирида давом этаётган ҳужжат қабул қилиш жараёнларини кузатиб юриб, собиқ курсдоши Холидахоннинг учратиб қолган Ш. Шомўхсинов гап орасида «юрфакка таллабор бўлса гапларларди» дея университетларда танишлари борлигини кўстириб ўтди. Холидахонга бу гап ёқиб тушди: «Мен сизга одам топиб бераман...».

Ш. Шомўхсиновга ҳам шу керак эди: «Юрфакка, юридик институтга келиб калаверинг. Пулдор бўлса бўлди, алифини олган дейишни билмасам ҳам ўқишга киритаман.»

Эртасигаёқ «михоз» топилди. Уғлини юрфакка ўқитиш дардида юрган Манзура исм-

ли аёл уларга дучор бўлди. Холидахоннинг серзамму «маслаҳатларини» эшитган Манзура опа гўёки ўғли УзуМўнинг юридик факултетига кириб, уни битириб чиққандек ҳам бўлади. Шу кўнлик қўшқўллаб 6000 АҚШ долларини Холидахоннинг қўлига бериб кетди.

Кўз келиб, олий ўқув юртлирида ўқиш бошланган пайтда «ҳожатбарорлар»нинг ваздаси ёлгон бўлиб чиқди. Манзура опанинг ўғли ўқишга кирмаган экан, Холидахонга югурди, Холидахон эса Ш. Шомўхсиновга. Фойдаси бўлмади. Пулини қайтариб олиш учун жабрланувчиларнинг сарсон бўлгани қолди. Ноилож ҳуқуқ-тартибот органларига муурожаат қилишди.

Суд фирибгарга олти йиллик озодликдан маҳрум қилиш жазосини белгилади. Фирибгар-ку қилишига яраша жазосини олди, лекин масаланинг бошқа томони бизни ўйга толдиради. Манзура опа каби ота-оналар кимларгадир пора тикиштириб, қингир йўллар билан фарзандини олий маълумотли қилиш ўрнига, унга чуқурроқ билим олиш учун шароит яратиб берсалар бўлмасмиди? Ахир таълимчи ҳам, дипломини ҳам хар хил қингир йўллар билан олган ўғил-қиз эртага қандай мутахассис бўлади? Жабрланувчи шу ҳақда уйлаб кўрганмикин?

З. МИРМАХМУДОВ,
Ҳамза туман прокурори ёрдамчиси

КИТОБ Ё ОҒУ: ҚАЙСИНИ ТАНЛАЙСИЗ?

Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг шундай сатрлари бор: «Уйда тинчи бўлсин йиғингиз аввал, сўнгра бутун бўлсин дўстнинг имони...». Даржакият, оила — ҳар кишининг муқтаҳам қўрсони. Ундаги муҳит оила аъзоларининг жамиятдаги мавқега таъсир қилади. Хатти-ҳаракатларини белгилаб беради. Эрак кишининг оила бошлиғи эканлигини ҳисобга олиб айтидиган бўлсак, унинг ҳулқи ўша муҳит шаклланишида қандай аҳамиятга эгаллигини англаш қийин эмас. Жиноят ишлари бўйича Эллиқалъа туман судида кўрилган бир жиноят ишида қатнашиб, шуларни ўйладим.

Жиноятнинг қисқача тафсилоти шундай: судланувчи Гулизира Қурбонсатова ва Тўртқўл тумани Я.Эломонов ноқили фермер ҳўжалиқлари уюшмасида яшаган, шу ердаги 20-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. Судланувчи Ойбек Сабуров ва Бекназар Байимбетовлар эса Эллиқалъа тумани «Қирққизбод» фермер ҳўжалиқлари уюшмасида яшаган. Бирини шу ҳўжалиқда ишлабди, иккинчиси 2-гурӯх ногирони. Улар Г.Қурбонсатовадан 4000 сўмга 0,2 грамм героин сотиб олиб чекишган. Шундан сўнг иккаласи гумондор сифатида Эллиқалъа туман ички ишлар бўлимига келтирилиб, гувоҳлар иштирокида тинтув қилинганда ёнларидан героиннинг қолган қисми топилган.

Учала судланувчи ҳам тергов ва судда айбларига тўлиқ иқроор бўлиб, қилишидан пушаймон эканлиқларини билдиришди. Суд уларга нисбатан сенатнинг 2005 йил 2 декабр кўнги амнистия актини қўллаб, жазодан озод қилди. О.Сабуров тумандаги психоневрологик диспансерда мажбурий даволашига юборилди.

Амнистия — адабий қингир йўлга кирганларнинг тўғри йўлга кириб олишлари учун ажойиб имконият. Бундан улар тегишли ҳулоса чиқариб олишда деб умид қиламиз. Зеро, жиноятчи деган таъқи лаянати олиб, ҳудо берган умрининг маълум қисмини панжара ортида ўтқазиб қайда-ю, болаларига бош бўлиб, оиласи даврасида умргузаронлик қилиш қайда? Қолаверса, толган пулига героин чекиб, саломатлигини ҳавф остига қўйганда кура шу пулга фарзандларига китоб олиб бергани ўзи учун ҳам, жамият учун ҳам минг қарра аълороқ эмасми?

Ф. АЛЛАМБЕРГЕНОВ,
Эллиқалъа туман прокурори

Бўқа Тўшкент вилоятининг энг қўл пахта ва галла етиштирадиган туманларидан биридир. Туманда дехқончиликнинг ҳадисини олган, ерга ўз вақтида ишлов бериб, ҳар йили юқори ҳосил оладиган дехқонлар анчагина. Шу билан бирга, ерни шунчаки эгаллаб, ўндан ҳўжақўрсинга фойдаланиб келадиганлар ҳам учраб турибди. Туман прокуратураси бошқа манфаъадор идоралар билан ҳамкорликда ана шундай салбий ҳолатларни аниқлаш, бартараф этиш, олдин оlish юзасидан режа асосида иш олиб бормоқда. Хусусан, Республика Президентининг 2006 йил 31 январдаги «2006 йилда пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва гўзани навлари бўйича жойлаштириш тўғрисида»-ги қарори ижроси ўрганилганда бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди.

Ерни алдаб бўлмайди

Жумладан, «Мундуз-Исоқ» фермер ҳўжалиғи 28,2 гектар ерга чигит экиши лозим бўлгани ҳолда амалда 7,1 гектарга эккан. «Содиқ» фермер ҳўжалиғи эса жорий йилда 16 гектарга галла ва пахта экиши керак эди. Амалда бўлса 6,5 гектарга галла, 8,6 гектарга пахта экиб, «уриб» қолинган ерда укроп ва картошка ўстирган. Шунингдек, 2,5 гектарга уруғлик чигит экиш режалаштирилган бўлишига қарамай, амалда умуман экилмаган. Туман бўйича умумлаштириб айтганда, чигит экилиши белгиланган ернинг 68,7 гектарига чигит экилмай қолдирилган. Суриштирувлар чоғида фермер ҳўжалиғи раҳбарлари бунинг сабабини чигит етмай қолгани, трактор йўлқили, ёқилми муаммо бўлгани сингари уйлаб баҳоналар билан изоҳлаб, ўзини оқлашга уринди. Ваҳоланки, туманда чигит экиш мавсуми-

ни меъёрида ўтқазиб ўзини табиёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари нуқсонсиз ишлаган.

Албатта, туман прокуратураси юқорида қайд этилган барча ҳолатлар юзасидан тегишли таъсир чораларини кўрди. Муаммолар бартараф этилиб, гўзани бир текис ундириб олишга эришилди.

Кўпинча назорат органларини фермерлар ишига ҳадеб аралашаверишда дея эътироз билдиришди. Бу гапда жон бор. Маъзур идораларнинг айрим нопок ҳодимлари томонидан фермерни ҳуда-беҳуда безор қилаётган ҳолатлар ҳамон учраб турибди. Ҳукумат томонидан бунга қарши кескин чоралар қўйилмапти. Ишончноклар, тўғри ишлаётган ҳўжалиқлар фаолиятга ҳеч қим ортиқча аралашавтган бўй, Аммо, масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Мабоодо биз ер

фермерники, нима қўлса ўзи билдида дея қўлқовуштириб турсак, юқоридаги сингари ҳолатлар оқибатида қанчалоб ҳосилни бой беришимиз мумкин эди.

Қишлоқ ҳўжалигининг яна бир муҳим тармони пилла-чиликдир. 2006 йилда Бўқада 155,7 тонна пилла етиштириш режалаштирилган, пилла етиштиришни қўлайтириш мақсадида туманда юз гектар тўзтор барпо

этиш вазифаси белгиланган эди. 2006 йилнинг баҳор ойларида мавжуд 332 гектар тўзторларга қўшимча 88 гектар янги тўзторлар барпо этилди. Усимликларни ҳимоя қилиш отряди томонидан «тут парванаси» зараркунданасига қарши курашиш ку-чайтирилиб, барча туг дарахтларига кимёвий ишлов берилди.

Қилинган меҳнат, вақтида кўрилган чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини берди. Туман пиллакорлари давлатга қумуш тала сотиш шартномавий режасини бо-жаришди. 185 тоннадан ортиқ ноёб ҳом ашёни тайёрлашда тумандаги «Мустақил Ўзбекистон», «Хўжақўр-ғон», «Б.Умаров», «О.Йулдошев» сингари ҳўжалиқларнинг ҳиссаси аниққас катта бўлди.

Дилшод ИСРОИЛОВ,
Бўқа туман прокурори

Бугун ҳаётимизни ОАВсиз тасаввур қилиш қийин. Бор-йўғи бир-икки соат улардан ўзилиб, кўлаб хабарлардан беҳабар қоламиз. Яқин-яқинларгача ахборотга бўлган эҳтиёжimizни телевидение, радио, газеталар қондириб келган бўлса, янги асрда интернет бизни дунё ангилликлар билан ошно қилмоқда. Бугун миллионлар нигоҳи ТВ га қаратилган. Чунки Германияда футбол бўйича 18-жаҳон чемпионати давом этмоқда. Кўзёшлар, ҳаяжон. Бунда минглаб журналистларнинг меҳнати ётганини унутмаслигимиз керак.

Мустақиллик сўз эркинлиги учун кенг йўл очиб берди. Юзлаб янги нашрларда халқ дилидаги гаплар ёзилмоқда. Бирок барча соҳалар қатори ОАВ тизимига ютуқлар қатори муаммолар ҳам йўқ эмас. Республика Бош прокуратураси бўлим бошлиғи Светлана Ортиқова билан ана шу мавзуда суҳбатлашдик.

— Бугунги ўзбек журналистикаси ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Касбим журналист бўлмасда, 10-15 йилдан буён журналистлар орасидаман. Ўзим ҳам мақолалар ёзмаман. Журналистиканинг машаққатларини яхши биламан. Журналист ҳар бир гапи учун масъул эканини қўлимга қалам олгандайёқ ҳис қиламан.

Ўзбек журналистикаси мустақиллик йилларида катта йўлни босиб ўтди. Адашмасам, бугун республикамизда 700 дан ортиқ газета ва журнал чоп этилмоқда. Уйлайманки, ҳар бир нашрнинг ўз муҳлиси бор. Прокурор учун, менимча, «Huquq» газетаси керак. Чунки тизимдаги ислоҳотлардан

листлар кўп. Буларни мен миллат фидойилари деб биламан. Хукуматимиз уларнинг меҳнатини муносиб тақдирлаб келмоқда.

— Бош прокуратура органлари муассислигида ўндан ортиқ газета чоп этилади. Уларнинг аҳволи қандай?

— Газеталаримизнинг умумий нусхаси 150.000 дан ортиқ «Дённат», «Адолат кучи», «Адолат сари» газеталари 10.000 талдан кўпроқ нусхада босилмоқда.

«Дённат» газетаси Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Қўл-ни қирқ ёриб» кўрсатуви билан ҳамкорлик қилаёпти. Бозор иқти-

... Оммавий ахборот воситалари мансабдорларнинг тўрачилиги, коррупция, мустабиллик ва боқимандалик психологияси йўлида мустаҳкам гов бўлиб, қонунчилик меёрларини рўйбега чиқариш, ислоҳотларнинг бориши ва ишон ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилишнинг таъсирчан воситаси бўлиб қолиши зарур.

Ислом КАРИМОВ

йилса, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида» ги қонуннинг 7-моддасида «Оммавий ахборот воситалари ўзлари тарқатаётган

ахборотнинг ҳаққонийлиги учун ахборот манбаи ва муаллифи билан биргаликда қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар дейилган. Кўп ҳолларда эса журналистлар бу норматив қоидаларга амал қилинмаётти.

Жорий йилнинг биринчи чоратида ўз тасдиғини қисман топган ёки умуман мақолада келтирилган фактлар тасдиқланмаган ҳолатлар ҳам қайд этилган.

Ўзбекистон қонунчилигидаги биноан суд қарори эълон қилинмагунча ва қонуний кучга кирмагунча маълумотлар матбуотда ошкор этилмаслиги керак.

Бошқа бир мисол. Шу йилнинг 1 февралда «Хуррият» газе-

лар текшириб, чора кўриш учун Бош прокуратурага юборилди. Бундай мақолаларнинг тақдирини қандай кечали?

— Жорий йилнинг ўтган даврида газеталарда чоп этилган 28 та мақола бўйича текшириш ўтказилди. Уларнинг 5 таси тасдиқланганини, 5 таси қисман тасдиғини топганини, 18 та мақолада келтирилган фактлар умуман тасдиқланмаганини айти-

шим мумкин.

Тахдидлар шуни кўрсатмоқдаки, матбуотда қилинаётган танқидий қиқишларнинг аксарияти ўрганилганда мақолаларда келтирилган фактлар ўз тасдиғини топмаган.

Матбуотда танқидий мақола тайёрлаётган журналистларнинг материал тайёрлашда барча ҳолатларни атрофича ўрганмасдан бир томонлама ёндошгани кузатилади. Бунга эса энг асосийси журналистлар ўз соҳлари, фаолиятлари тартибга солинган қонунларни пухта билмасликлар сабаб бўляпти. Жумладан Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» ги қонуннинг 11-моддасида «Оммавий ахборот воситалари эълон қилинаётган ахборотлар тўғрисидаги текшириб кўришлари шарт ва ахборот берувчи билан биргаликда унинг тўғриллиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар» де-

тасида «Қантарилган лифтлар» мақоласи чоп этилди. Унда Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида жойлашган «Нигина коммуналчи» ҳамда «Зилола коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли кўп қаватли уйларида коммунал хизмат кўрсатишда камчиликларга йўл қўйилгани ҳақида ёзилган.

Бош прокуратура томонидан мақоладаги ваъжлар ўрганилганда, далиллар тасдиқланди ва айбдорларга нисбатан қонуний чора кўрилди.

— Яқинда ОАВ ходимлари касб байрамини нишонлашди. Сизнинг ҳам журналистларга айтар гапингиз бордир?

— Энг аввало барча журналистларга соғлиқ-омонлик тиллайман. Қалбларини ижодий қувончлар тарқ этмаслигини истаб қоламан.

«Huquq» муҳбири Зайниддин МАМАДАЛИЕВ суҳбатлашди.

ҲАҚ СЎЗНИ АЙТИШ ОСОН ЭМАС

— Светлана опа, иш вақтингизнинг асосий қисми хорижий ва маҳаллий журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бериш билан ўтса керак. Чунки Бош прокуратурада нафақат соҳага оид, балки ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган муаммолар юзасидан ҳам ахборот олиш мумкин.

— Гапингиз тўғри. Баъзан эр-талабланоқ дунёнинг турли бурчакларидан журналистлар кўнги-роқ қилиб, тизимда олиб борилаётган ишлар ҳақида сўрашди. «Би-би-си», «Озоодлик», «Немис тўлқини» мухбирлари бу борада анча фаол. Улар орасида ҳақиқатини ёзданганлар кўп. Лекин баъзи журналистлар тирноқ остидан кир қидириб, қўлдан минора қурмоқчи бўлишади. Тарқатилган нотўғри ахборотнинг вақти келиб мисин чиқади. Эслаш оғир бўлса-да, Андижон воқеаларининг ёритилиши ҳам сўзимизга мисол бўлади. Биз билан яхши ниятда ҳамкорлик қилишни истаган ҳоқ хорижлик, ҳоқ маҳаллий журналист бўлсин, эшигимиз очик, Шахсан мен ҳақ сўзинг тарафдориман.

хабардор бўлади. ХДП аъзоси учун «Ўзбекистон овози» газетаси қизичарли. Умуман, шоирлар таъбири билан айтганда, ҳар гулнинг ўз бўйи бор. Муҳлисини топа олмангаш бозор иқтисодиёти шароитида банкрот бўлиши табиий. Бунга журналистлар яхши билишди.

— Журналистиканинг бугунги муаммолари ҳақида нималар дея оласиз?

— Дунё журналистикасининг яхши тажрибалари билан бирга ўзбек журналистикасига баъзи эски «касалик»лар ҳам кириб келяпти. «Буюртма» мақола ёзишнинг назарда тутаяпман. Қайсидир тизим ёки раҳбарни бадном қилиш учун баъзи журналистлар кимларнинг-дир буюртмаси билан мақола ёзишади. Ана шундай адолатсизликдан ҳалол одамлар ёки туппа-тузук корхонанинг обрўсига путур етиши мумкин.

Юртимизда талантили журна-

содиёти шароитида ҳар бир ижодий жамоа газета бозоридан ўз ўрнини топиши керак. Акс ҳолда синикши мумкин. Фориш туман прокуратураси муассислигида чоп этилаётган «Хуқуқ ва ҳаёт» газетаси соврини учун республика микёсиди таъжвандо мусобақаси бўлиб ўтди. Ўз ишидан ортиб газета ташкил қилган ва шундай туринири уюштирган туман прокурори Бахтиёр Ороловга тани бериш керак.

Газеталаримиздаги муаммоларга келганда бўлсақ, айрим нашрларимизда ҳисобот тарзидаги мақолаларга кўпроқ жой ажратилмоқда. Кўпгина суд очерклариди воқеа баён қилинади. Бу яхши, ўқувчи учун қизиқарли. Бирок унда фожеванги илдизи очиб берилса, муштарийлар кўпроқ нарса олади. Қолаверса, жиноятни фош қилишда қатнашган терговчининг захматли меҳнатидан ўқувчи воқиф бўлади.

— Республика газеталарида чоп этилган айрим танқидий мақо-

лаш мумкин.

Тахдидлар шуни кўрсатмоқдаки, матбуотда қилинаётган танқидий қиқишларнинг аксарияти ўрганилганда мақолаларда келтирилган фактлар ўз тасдиғини топмаган.

Матбуотда танқидий мақола тайёрлаётган журналистларнинг материал тайёрлашда барча ҳолатларни атрофича ўрганмасдан бир томонлама ёндошгани кузатилади. Бунга эса энг асосийси журналистлар ўз соҳлари, фаолиятлари тартибга солинган қонунларни пухта билмасликлар сабаб бўляпти. Жумладан Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» ги қонуннинг 11-моддасида «Оммавий ахборот воситалари эълон қилинаётган ахборотлар тўғрисидаги текшириб кўришлари шарт ва ахборот берувчи билан биргаликда унинг тўғриллиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар» де-

тасида «Қантарилган лифтлар» мақоласи чоп этилди. Унда Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида жойлашган «Нигина коммуналчи» ҳамда «Зилола коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли кўп қаватли уйларида коммунал хизмат кўрсатишда камчиликларга йўл қўйилгани ҳақида ёзилган.

Бош прокуратура томонидан мақоладаги ваъжлар ўрганилганда, далиллар тасдиқланди ва айбдорларга нисбатан қонуний чора кўрилди.

— Яқинда ОАВ ходимлари касб байрамини нишонлашди. Сизнинг ҳам журналистларга айтар гапингиз бордир?

— Энг аввало барча журналистларга соғлиқ-омонлик тиллайман. Қалбларини ижодий қувончлар тарқ этмаслигини истаб қоламан.

«Huquq» муҳбири Зайниддин МАМАДАЛИЕВ суҳбатлашди.

СУД ҲИМОЯСИ КАФОЛАТЛАРИ

Судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш мақсадида уларнинг ваколатларини кенгайтириш ҳамда ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишнинг кафолатлангани давр талабидир. Таъкидлаш жоизки, мазкур масала Ўзбекистоннинг фуқаролик процессуал қонунчилигида ҳам ўз ифодасини толган.

Фуқаролик процессида апелляция тартибида иш юритиш фуқароларнинг суд ҳимоясига бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари кетаётган ҳозирги даврда фуқароларнинг конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган асосий ҳуқуқ ва эркинликларини апелляция инстанцияси судлари томонидан самарали ҳимоя қилиш, қонунда белгиланган процессуал тартибни тўғри татбиқ этиш жараёнида қўлланадиган қонунчилик нормаларини такомиллаштириш талаб этилади. Шундай экан, куйида бу борадаги айрим тақлифларни билдириб ўтмоқчимиз.

1. Апелляция инстанцияси судида иш юритишнинг вазифаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва ажримини қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш мақсадида ишда мавжуд бўлган ва тақдим этилган далиллар асосида фуқаролик ишини мазмундан қўриш ва ҳал қилиш-

дан, қонунларнинг бир хил татбиқ этилишини ва шарҳланишини таъминлашдан, таррафларнинг суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқининг амалга оширилишини кафолатлашдан ҳамда қуйи судларнинг фаолиятига юқори судлар томонидан раҳбарлик қилишдан иборатдир. Шундай экан, апелляция тартибида иш қўришнинг мақсад ва вазифаларини қонунчиликда тўлиқ очиб бериш мақсадида Фуқаролик процессуал кодексининг 320-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиб, унда **апелляция инстанцияси судида иш юритишнинг вазифаси** баён этилиши лозим.

2. Апелляция шикоят (протести) билан мурожаат қилиш мuddатини бирмунча узайтириш керак. Ўзбекистоннинг аксарият қонунларида суд ва бошқа органлар ёки мансабдорларнинг қарорлари устидан шикоят қилишнинг умумий мuddати бир ой қилиб белгиланган. Масалан, ФПКнинг 350-моддаси 5-қисмига кўра, назорат тартибида протест киритиш тўғрисидаги ариза бир ой мuddатда қўриб чиқилиши зарур. Шунингдек, ФПКнинг 270-моддаси 1-қисми 2-хатбошисига кўра, фуқаро юқори органдан, мансабдордан шикоятини қаноатлантириш рад этилганлиги тўғрисида ёзма маълумот олган кундан эътиборан бир ой ёки фуқаро шикоятига ёзма жавоб олманган бўлса, шикоят берилган кундан эътиборан бир ой ўтгандан кейин судга мурожаат қилиши мумкин. Хўжалик процессуал кодексининг 158-моддасига биноан апелляция шикояти (протест) хўжалик судлари қабул қилган қонунни қабул қилгандан кейин бир ой ичиди берилиши лозим.

3. Суднинг ҳал қилув қароридан норози бўлган тароф қонун нусхасини апелляция мuddати ўтиб кетгач оладиган бўлса, бу мuddат тилкансагина апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга бўлади. Бизнингча, мазкур қониди тўғри деб бўлмайди. Чунки суд мажлисида иштирок этмаган шахс қарорнинг моҳиятини фақат унинг нусхасини олгандан сўнггина билади, унчага апелляция шикояти бериш ҳуқуқини амалга оширишдан маҳрум бўлади.

Шунинг учун ФПКнинг «Апелляция шикояти бериш (протести келтириш) ҳуқуқи ва мuddати» деб номланган 320-моддасида суд процессига узрли сабаблар билан келолмаган шахслар учун апелляция шикояти бериш мuddати ҳал қилув қарорининг нусхасини олган кундан бошлаб ҳисобланади деган қониди киритиш лозим.

ФПКнинг 27-моддаси талабидан келиб чиққан ҳолда ишни апелляция инстанцияси судида қўришда қатнашган судья апелляция инстанцияси судининг ажримни ўзгаришиз

қолган ёки бекор қилингандан қатъи назар ишни апелляция инстанцияси судида янгидан қўришда иштирок этишга ҳақли бўлади. Бу эса ишни қўришда суднинг тақдор иштирок этишига йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги умумий қоидага зид бўлиб, судьяларнинг ҳолислигини шубҳа остида қолдириши мумкин. Чунки ўзи судьялик ёки раислик қилиб, қарор ёки ажрим чиқаришда қатнашган судья ўз қарорининг кучда қолишидан манфаатдор бўлади ва иш назорат тартибидида қўрилиб, ўшбу қарор юқори инстанция суди томонидан бекор қилингудек бўлса, ўшбу ишни апелляция тартибидида қайта қўришда қатнашаётган судья ўз позициясини ўзгартариши ва бошқача мазмундаги қарор ёки ажрим чиқариши судьянинг этикасига, принциpigа тўғри келмайди ва уни ноқулай аҳволга солиб қўйиши мумкин. Энг асосийси, қабул қилинаётган қарор ёки ажримнинг аввалгисидан-да адолатли, асосли ёки қонуний бўлишига ҳеч қандай кафолат беришмайди. Айнан ноқонуний, асосиз ва адолатсиз қарор ёки ажрим қабул қилинишининг олдини олиш мақсадида ишни апелляция инстанцияси судида қўришда иштирок этган судья ўша ишни тақдор апелляция судида қўришда қатнашишига йўл қўйилмаслиги лозим.

Б. АРАБОВЕВ,
ТДЮИ 2-курс магистранти

Mustaqillik
eng oliy
ne mat

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Урганч ва Хива туманлари солиқчилари ҳатто жиноят аломатлари мавжуд материалларни прокуратура органларига ўтказмаган. Шунингдек, Молия вазирлигининг Хоразм вилоятидаги назорат-тафтиш бошқармаси фаолиятида ҳам қатор қонунбузилишларга йўл қўйилган. Бошқармада 42 та штат мавжуд бўлиб, улар бошқарманинг 2006 йил 1-чорагаги мўлжалланган 81 бандли режа-

Саҳифаларимизда
Хоразм вилояти


Хоразм вилояти 1938 йил 15 январда ташкил топган. Аҳолиси 1,5 миллионга яқин. Майдони 6100 километр-квadrat. 2003 йил вилоятга Жалолиддин Мангуберди ордени берилган. Вилоятда 10 та туман, 3 та шаҳар, 7 та шаҳарча мавжуд.

вилоятдаги айрим бозорлар, маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ва ошоналар санитария талабига номувофиқ фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, хусусийлаштириш жараёнида давлат мулк қўмитасининг вилоят бошқармаси мансабдорлари ваколатини суистеъмом қилишган. Жумладан, Питнак шаҳридаги собиқ «Туюмўйин-сувқурилиш» трестига қарашли «Ишчилар таъминоти» корхонаси балансидаги 32.100.000 сўмлик озиқ-овқат омборларини давлат тасарруфидан чиқаришда мулк-

га қариндошларининг илтимоси бўйича эски паспортлари яроқсиз ҳолга келганлиги ҳақида сохта ҳужжатлар тузиш йўли билан янги паспорт ёзиб бериб, давлат манфаатига 486.000 сўм зарар етказган. Мазкур ҳолат юзасидан унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Республика миқёсида долзарб бўлган коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг фаолиятидаги муаммолар вилоятда ҳам мавжуд. Жумладан, «Хоразм электр тармоқлари» ОАЖ дирек-



«Калта минор» комплекси Хиванинг кўрки ҳисобланади.

бораётган бир пайтда айрим мансабдорлар шахсий манфаатини ўйлаб, ноқонуний уланшларга замин яратмоқда. Хусусан, Урганч туман электр тармоқлари корхонаси масъул ходимлари С.Собиоров ва Д.Саидов истеъмолчи А.Пулладовдан тармоққа улашни ва қарзни йўқотиш эвазига 2006 йил 1 май кuni 100.000 сўмини пора тариқасида олганда ушлан-

Ватан азуз,
Ватан муқаддас!

Бугунги кунда Ўзбекистонда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришларнинг барчаси ҳуқуқий жамиятни барпо этишга йўналтирилган. Аслида Ватанга муҳаббат, халққа садоқат, меҳр-оқибат туйғулари киши ўзлигини тўла англаганда, ўз давлатининг қонуниларини чуқур ҳурмат қилганда жуда кучаяди. Бундай кишилар доимо ўз ишидан мамнун, оинаси, маҳалласи, шаҳонаси янада обод бўлиши учун елиб-югуради. Фарзандларини ҳам шундай тарбиялашга ҳаракат қиладилар.



Хуллас, халқимизнинг фаровонлиги, юрт тинчлиги йўлида меҳнат қилаётган ватандошларимизнинг эзгу ишларини айтиб адоғига ета олмайсиз. Улар бизнинг фахримиздир! Шундайлар доим бор бўлсин.

А.МАҚШУДОВА,
Гурлан туманидаги 3-мактаб директори,
Ўзбекистон қахрамони

АДОЛАТ СЎЗДА ЭМАС,
АМАЛДА БЎЛСИН

нинг 30 тасинигина бажаришган ҳолос.

Тафтишчилар вилоятнинг Ботот, Гурлан, Урганч, Қўшқўпир, Янгибозор ва Хива туманларидаги пахта заводларида 2005 йилги ҳосил бўйича тўлов натижаларини бухгалтерия ҳужжатлари асосида ўрганиши лозим бўлса-да, банкдаги тезкор маълумотлар асосида далолатнома тузилган.

Шу билан бирга вилоят санитария-эпидемиология назорати марказида ўтказилган теширишда қонунга зид 34 та қарорга протест келтирилиб, 12 нафар ходим интизомий жавобгарликка тортилди.

Ушбу орган вазифасини тўлиқ бажармаганлиги оқибатида

ларни корхонанинг устав фондида киритмасдан талон-тарож этилишига шароит яратганлиги учун бошқарма мансабдорларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Ички ишлар органларида Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан ўтказилган текширишда ҳам бир қанча жиноятлар аниқланди. Масалан, Янгиариқ туман ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи, батан Ж.Хўжалиев ваколатидан фойдаланиб, 2004 — 2006-йилларда депортация қилинган Ш.Ражабовага ҳамда Россияда бўлган янгиариқлик О.Қўшназаров, Ш.Курёнов, М.Раҳмоновлар-

тори М.Турдиев ва бошқалар жамиятининг 2006 йил 1 майгача 11.700.000.000 сўмлик дебиторлик қарзини ундириш чорасини кўрмаганлиги оқибатида 5.500.000.000 сўмлик қарзининг мuddати ўтказиб юборилганлиги ҳамда солиқларни белгиланган мuddатда тўламаганлиги оқибатида 20.200.000 сўм пеня тўлашиб, жамият манфаатига жуда кўп миқдорда зарар етказилган.

Бундан ташқари, «Хоразм исциклк манбаи» ОАЖ мансабдорлари ҳам вазифасига совуқонлик билан қараб, 1.042.000.000 сўм дебиторлик қарзининг тўлов мuddатини ўтказиб юборишган.

Вилоятда коммунал тўловлардан қарздорлик кундан кунга ошиб

ган. Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб келаётган истеъмолчиларни аниқлаш ва чора кўриш ваколатига эга бўлган «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг вилоят бўлими масъул ходимлари ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйганлиги учун интизомий жавобгарликка тортилди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги шароит жамият ҳаётининг барча соҳаларида ошқоралик бўлишини, нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун жамоатчилик назоратининг таъсирчанлигини оширишни, энг муҳими — қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлашни тақозо этади. Демак, ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Фурсатдан фойдаланиб, газета ўқувчиларини юртимиз мустақиллигининг 15 йиллиги билан чин дилдан қутлайман.



Ўзбекистон Конституциясининг 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир ҳил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдир» деган миқсаларни ўқиш мумкин.

Истиклол йиллари иқтисодий-ижтимоий соҳаларда аёллар ҳам эриклар қатори тadbirkorлик қобилиятини намоён қила бошладилар.

ҲАР БАРМОҒИДА
ҲУНАР БЎЛСИН

Мустақиллик ўзбек аёлига ҳам кўп неъматларни инъом этди. Мен ҳам тadbirkorлик соҳасида ўзимни сынаб кўришга қарор қилдим. Бошида иш бироз қийин кечса-да, аҳдими қатъий эди. Муҳими, инсонлар билан ишлашни, бозор иқтисодиёти асосларини пухта ўрганмоқ керак.

Авалло оилам, маҳалладошларим ҳақида кўпроқ ўйлайман. Урганч шаҳридаги 5 та маҳалланинг ижтимоий ҳимояга мўхтож аёлларини тикувчиликка ўргатиш мақсадида ишлаб чиққан лойиҳамиз қўллаб-қувватлангач, бу йўналишдаги ички имкониятларимизни ҳам ишга солишга қарор қилдик. Кичкина тикувчилик устахонаси билан бошлаган ишимизни қисқа вақт ичида кенгайтиришга эришдик. Корхонамиз ўзв марказида 7 хил йўналишда замонавий курслар очилди. Бу ерда юзга яқин ёшлар тикувчилик, сартарошлик, қандолатчилик, компютер ва рус тили бўйича сабоқ олмақда. Касб-ҳунар ағалашга қизиқувчи ёшлар, аёллар сафи кундан-кунга кўпайди.

Ватан оиладан бошланади. Демак, юртимизнинг ҳар бир фуқароси ўз оиласининг тинчлиги, фаровонлиги учун масъулдир. Сихат-саломатлик йили муносабати билан ёшларнинг тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида марказда «Оила ҳамшираси» курси ташкил қилинди. Уни тугатган ёшлар аввало ўзи ва ақилларининг ижтимоий, иқтисодий аҳволини яхшилабгина қолмай, балки бозор шароитида яшашига, ишлашга ўрганишлар. Мен қизларимизнинг ҳар бармоғида бир ҳунар бўлишини истайман.

Дилбар БЕЖОНОВА,

Урганчдаги «Мансура-нур» хусусий корхонаси раҳбари

ҚОНУНБУЗАРЛАРГА
МУРОСА ЙЎҚ!

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛКК департаменти Хоразм вилоят бошқармаси жорий йилнинг ўтган даври мобайнида президент фармонлари ва ҳуқумат қарорларининг ижросини таъминлаш борасида муайян ишларни амалга оширди. Солиқ ва валютага оид 126 та жиноят иши ҳамда 81 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилди. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан давлат бюджетига 2.605.214.300 сўм қўшимча солиқ ва жарима ҳисобланиб, шундан 495.612.000 сўми ундирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг бандан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича 20 та ҳуқуқбузарлик аниқланди. Солиққа тортиш базасини кенгайтириш, рўйхатдан ўтмай спиртли ичимлик ва бошқа мол ишлаб чиқарган 12 та иширин цех фoш этилди. Шунингдек, 27 та ҳолатда истеъмолга яроқсиз махсулотларнинг ноқонуний сотилишига барҳам берилди.

Ходимларимиз нақд пул муомаласига эга бўлган ҳужалик юритувчи субъектлар томонидан пул айланмасининг қонунда белгиланган тартиб бузилишига қарши мурoсасиз кураш олиб бормоқда. Бу ҳақда махсус режа ишлаб чиқилган.

Валюталарни ноқонуний муомалага киритиш билан боғлиқ қонунбузилишларни аниқлаш мақсадида ўтказилган тadbirkorлик ҳар самара бераётган. Беш ойда 16 та шундай ҳолат аниқланди. Қонунбузарлардан 19.522 Америка доллари мусодара қилинди. Масалан, ҳазораслиқ М.Абдураев ва Г.Авазовлар тил бириктириб валюта олди-

сотилиши билан шуғулланиб келишган. Улар 1200 долларни 1.482.000 сўмга сотаётган пайтда қўлга тушди.

Тезкор ходимларимизнинг ҳаракати билан тижорат банкларининг валюта алмаштириш пунктларидаги айрим ноқон ходимларнинг фаолиятига чек қўйилди. Жумладан, «Пахтабанк»нинг Қўшқўпир бўлими валюта алмаштириш пункти кассири Э.Эрназарова ва назоратчи Г.Отаевалар жиноий тил бириктириб ишлашган. Улар аслида валюта сотиб олмаган кишилар номига валюта сотилди, дея ҳужжатлаштирилган. Шунга ўхшаш 9 та ҳолатда 13 та банк ходимига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Қишлоқ ҳўжалиги ислoх қилиниб, фермерларга кенг имкониятлар яратиб берилаётган бир даврда уларнинг ҳуқуқбузарлик содир қилиши ажбланарлидир. Масалан, Янгибозор туманидаги «Анвар-Амирхон» фермер ҳўжалиги раҳбари А.Жуманиёзов ҳўжалик ажратилган ерни вақтинча экин экиш учун бировларга сотган.

Бизнинг асосий вазифамиз вилоятда контрабанда йўли билан сифатсиз махсулотлар кириб келишининг олдини олиш, хуфия иқтисодиёт намоёндаларини фoш этиш, чет эл валютасининг ноқонуний айланишига барҳам беришдан иборат. Бу йўлда собитқадамлик билан ишлаверамиз.

РУСТАМ СОБИРОВ,
Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛКК департаменти Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғи

...нафсига эрк берган раҳбарнинг дастидан давлат ва жамият манфаатига 1.170.327.000 сўмлик зарар етган.

Раҳбарлик имтиёз ёки имконият эмас, балки катта масъулият ва бурчдан иборат. Соҳасини яхши тушуниган, ишнинг кўзини билладиган кишиларгина раҳбарликни эплай олади. Аммо мансаб курсисига ўтирган ҳар қандай қобилиятли киши ҳам давлат манфаатини бир чеккага суриб қўйиб ишласа, у бошчилик қилаётган корхона таназзулга юз тутиши табиий. «Хива пахта тозалаш» ОТАЖ раиси Хўшнуд Юсупов ҳам мансабидан шахсий манфаати йўлида фойдаланиб, охири ташкилотни жар ёқасига олиб келганлардан бири.

БАДНАФСЛИК ҚҲРСИН!

сини ҳаёда қилган.

Атрофига ҳамтовокларини йиғиб олган Х.Юсупов бойлик орттириш мақсадида 42.572.000 сўмлик 5-нав толани Хива туманидаги «Жаҳонгир» хусусий корхонаси раҳбари Ш.Абдуллаевга 30.000.000 сўмга сотиб юборди. Орадан кўп ўтмай яна анча миқдордаги 5-нав толани номаълум шахсларга 152.225.000 сўмга сотади.

Ўзи тўйса ҳам кўчи тўймаган, қолаверса мушугини ҳеч ким пишт дейишга ботина олмаётганидан руҳланган раҳбар яна янги-янги жиноятларга қўл уриб, жамият мулкни талон-тарож қила бошлайди. Жамият ҳисобидаги юк машиналари, тракторлар, асбоб-ускуналарни арзиман баҳоналар билан турмуш ўрғотининг «Қурбон-Юсуп» фермер ҳўжалиги тасарруфига ўтказди ҳамда ўғли Х.Юсуповнинг «Хива тола» корхонаси билан биргаликда жиноятини давом эттирди. Хуллас, нафсига эрк берган раҳбарнинг дастидан давлат ва жамият манфаатига 1.170.327.000 сўмлик зарар етган.

Емоқнинг қусмоғи бор дейишди. Охири Х.Юсуповнинг жиноятларига чек қўйилди. Энди у ўзлаштирган мол-мулкни жой-жойига қўйиб, тегишли жазосини олиши тайин.

Бахтёр УТАРОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи



БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ!

Ўзбекистон Конституцияси ва қонунидаги 68-авлоднинг ҳуқуқий манфаатларини кафолатлаш давлатнинг устувор вазифаси эканлиги белгиланган.

Бош прокурорнинг 2004 йил 22 июндаги «Вояга етмаганлар ҳақидаги қонуни» ижроси устидан прокурорлик нazorатини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири эканлиги қайд қилинган.

Урганч шаҳар прокуратураси вояга етмаганлар қаровис қилишининг олдини олиш ва уларни ижтимоий

муҳофаза қилиш борасида мутасадди идоралар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Яқинда нишонланган 1 июн – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан Урганч шаҳридаги 11-болалар уйида байрам тадбири ўтказилиб, бу ерда тарбияланаётган 23 нафар болага шаҳар прокуратураси, шаҳар ҳокимияти ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва ИИБ томонидан кийим-кечак, турли ширинлик ва аравачалар совға қилинди.

С.ҒАЙБИЕВ,
Урганч шаҳар прокурорининг ёрдамчиси
СУРАТЛА: шаҳар прокуратураси ходимлари 11-сонли «Бола-лар уйи»да.

Маърифат ўлкаси

Кўпгина манбаларда Хоразм сўзининг маъноси «қуёшли ўлка» дея таърифланади. Воҳанинг иқлими, табиати ва усимлик дунёсини ҳисобга оlanda бу маъно ўзини тўла оқлайди. Айниқса, ширин-шакар мевалари-ю тилиги тилини ёрадиган қовун-тарвузлари бошқа ўлкаларникидан кескин фарқ қилиши бу заминда қуёшнинг ҳарорати баландлигидан бўлса ажаб эмас.

Бундан 2700 йил аввал ўзбек давлатчилигининг тамал тоши Хоразм воҳасида шаклланган. Хоразм дунёнинг илм-фан, маданият ва маърифат ўчоғи ҳисобланган. Жаҳонга донги кетган Хоразмий, Беруний, Замақшарий сингари олимлар шу заминда қамолат етганлар. Хоразмда Маъмун давлатни бошқарган пайтада «Маъмун академияси»га асос солинган. Мустақиллик шарофати билан бу илм маскани Хива шаҳрида қайта тикланиб, илм аҳлини яна жамлади ва унинг 1000 йиллик тўйини халқаро миқёсда нишонлашга тайёргарлик қўрилмоқда.

Оққан дарё оқавсарида, дейишди. Дарҳақиқат, мана шундай буюк алломаларни етиштириб

чиқарган Хоразмда бугун ҳам илм-фан жадал ривожланыапти. Айниқса, жамият кўзгуси бўлиши оммавий ахборот воситаларида катта ўзгаришлар юз бериб, матбуот халқнинг том маънодаги таянчига айланди.

Ҳозир вилоятда ҳокимлик мурасислигидаги 14 та вилоят, шаҳар ва туман газетаси, 12 та тармоқ ва 1 та хусусий газета мавжуд бўлиб, Урганч давлат университетида «Илм сарчашмалари» номида журнал чиқарилмоқда.

Шунингдек, 4 та йирик ва 12 та хусусий кичик босмахона ишлаб турибди. Шу йилнинг 1 январидан рангли босмахона ҳам ташкил қилинди.

Вилоят нашрларида 150 нафар журналист ишлаяпти. Кейинги беш йилда 5 та журналист ва шунча босмахона ходими давлат муқофотлари билан тақдирланди.

Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, хоразмлик матбуотчилар ҳам мустақилликнинг 15 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш таралдуида меҳнат қилишмоқда.

Улғубек ИСМОИЛОВ,
Хоразм вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи



ОБИДАЛАР АРДОҚДА

Ўзбек халқи бой тарихий, маънавий ва маданий меросга эга. Шарҳ гаваҳари, очик осмон остидаги музей дея эътироф этилган қадимий Хива яна шундай муқаддас маскан, зиёратгоҳдир.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Барри Лейн «Дунё шаҳарлари орасида Хива тарихи жуда бой ва қадимийдир, Хива гўзал шаҳарларнинг гултоғидир» дея эътироф этиши бежиз эмас.

Хива чиндан ҳам дунё нигоҳини ўзига қаратган гўзал шаҳар. Унда 130 дан ортиқ меъморий ёдгорлик сақланиб қолган. Умумий саҳни 26 гектарни ташкил қиладиган Ичанқалъа 1967 йилда Ўртаосиёда ягона қўриқхона-шаҳар деб тан олинди. 1990 йил декабр ойида ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданияти ва мероси рўйхатида киритилди. 1997 йилнинг 20 октябрда Хиванинг 2500 йиллик юбилейи дунё миқёсда нишонланди. Ушбу маросимга ташриф буюрган Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Хиванинг ўлтиши, бугуни ва келажакка юксак баҳо берди.

«Хивадаги мангуликка дахлдор обидалар ўзбек халқининг насл-насаби қадимий ва мўътабар эканлигини дунёга кўз-кўз қилиб турибди, деди И. Каримов. — Биз бундан гурурланиш билан бирга зиммаида чўқур масъулият ҳис этмоғимиз даркор. Бу масъулият — отамерос юртимизни жон-дилдан се-

виб, асраб-авайлаш, авлодларга янада гўзал, янада обод қиёфада етказиш бурчидир».

Вазирлар Маҳжасининг 1994 йил 23 декабрдаги республика музейлари фаолиятини яхшилаш юзасидан қарори, Ўзбекистон Президентининг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ҳамда 2001 йили «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши музейлар фаолиятини яхшилаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий жиҳозлар билан бойитиш, тарихий обидаларни таъмирлаш кўламини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этди.

Бугунги кунда музей-қўриқхона жамоаси вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Хива туман ҳокимияти, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан ҳамкорликда тарихий обидаларни асраб-авайлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Ҳар бир ёдгорликни юксак дид билан таъмирлашга катта эътибор берилаяпти. Тошқовли, Жума масжиди, Кўча арк, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ва бошқа ўнлаб обидалар таъмирланиб, асил ҳолатига келтирилди. 15 та димий экспозицияда Хоразмнинг ҳозирги қунағра бўлган тарихи акс эттирилди. Ҳар йили вилоят туманларига илмий экспедиция уюштирилиб,

мингдан ортиқ ҳужжат, буюм, қадимий китоб ва бошқа асори-атиклар тўплаиб, музейлар фонди бойитилмоқда.

Хоразм-Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан ёдгорликларни таъмирлаш, янги музейлар ташкил қилиш ишлари олиб боришмоқда. Сайёҳлар сони йилдан-йилга ошиб бораётганлиги ҳисобга олиниб, интернет маркази ташкил қилинди. Унда Хиванинг алоҳида сайти очилди. Хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича Ташқи ишлар ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиғи билан ҳамкорликда Оллоқулихон мадрасаси таъмирланиб, бу ерда хунармандчилик маркази ишга туширилди. ЮНЕСКО ҳамкорлигида Ёқуброҳи, Абдурахмонбой мадрасаларида ипак гилам ва сўзана тўқиш устaxonаси ташкил этил-


ди. Сайёҳларга хизмат қиладиган меҳмонхоналар сони ошиб, ҳозир ўндан ошмиқ хусусий меҳмонхона ишлаб турибди.

Япониянинг Киото университети олимлари билан музей фондида сақланаётган ҳужжатларни электрон тарзда сақлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Совет даврида халқимизнинг жуда кўп тарихий, маданий ва маърифий бойликлари талон-тарож қилинган эди. Бугунги кунда хорижга олиб кетилган бойликларни қайтариш чоралари қўрилмоқда. Яқинда музей-қўриқхона бош директори Ботир Давлатов раҳбарлигидаги бир гуруҳ илмий ходимлар Москвада бўлиб «Оружейная палата» музейида сақланаётган Хива буюмларини келтириб, махсус кўргазма ташкил қилиш масаласини ҳал қилиб қайтирдилар. Бу борада Санкт-Петербургдаги машҳур «Эрмитаж» музейи маъмурияти билан ҳам музокара олиб борилаяпти. Туман прокуратураси томонидан ҳар ойда ёдгорликлар муҳофазаси билан боғлиқ қузатув ва текширишлар ўтказилмоқда.

Хивадаги ҳар бир обидани кўз қорачиқдек асраб, келгуси авлодларга етказиб бериш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Бу йўлдаги хайрли ишларимиз изчил давом этади.

Раҳматулла ХУСАИНОВ,
Хива туман прокурори



Хива шаҳридаги «Ичанқалъа» музей қўриқхонаси.

Хали у, хали бу ёнга ағдарилиб чиққан Абдухалилнинг тонга яқин кўзи илинди. Лекин узок уқал олмади. Узук-юлук тушлар кўриб, босинқираб чиқди. У билан рубару ётган ҳамхона йигит елкасидан секин туртиб уйғотди: «Бу ёнингиз билан ётиб олиб, уқажон. Ё сув-пув берайми?».

Нега бундай тушлар кўради? Секин ўгирилиб, уларни хотирлашга тушди. Аввало ярқ этиб кенжотойи кўз олдига келди. Атак-чечак қадам босиб унга талинариши. Йўқилиб тушмасин дея қучоғини очди. Оғушига олиб энди ўпмоқчи бўлса, қўлчалари қонли. Ёнок бу ёйинларига ҳам қон сачраган. Лекин ўзи йўқламади... «Бек, хо Бек! Сенга нима қилди, айт! Бу қонларни қайдан ушладинг?!» Қайта-қайта сўраган эди, болакай отасини ўзи келган томонга тортиқлади. Сўнг узокроқда чалқанасига қонига беланиб ётган бир одамни кўрсатди: «Ана-ана!..». Яқинроқ бориб қараса — нотавон отаси! «Йўқ-йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!». Сира ишонгиси келмай зорланарди Абдухалил.

Томоғи қуриб қақшаётганди. Бўшашиб, тумбочка устидаги баклашқадан пиёлага муздай сув куйди. Инди-ю, лекин бағрининг аллақарида лаҳча чўғ ёнаётгандек эди. Абдухалил яна ёстиққа бош куйди. «Бу не каромат? Нега келиб-келиб шу болам тушимга қиради? Бирор жойи оғримаганмикан ишқилиб?».

Темир чамбарак тортилган туйқудан ёруғлик туша бошлади. Йигитга ҳамма нарса, ҳатто ҳаёт ҳам омонатга туюларди шу топда. «Нега шунчалар тубан кетдим! Нега шайтонга хай бермадим

муҳим бир гапни менга айтмоқчи бўлгандир. Хеч қурса хотиним уйга тақлиф қилиб, бир пиёла отиб бердимикан?».

Абдухалил отасидан 200.000 сўмини олиб, сотувчини рози қилиб қайтган, ҳовлига кирса, отаси йўқ. Кийим-бошини қоқиб, хотини обдастада олиб чиққан илиқ сувда бет-қўлини ювди. Сув қуяётган аёли эса жаврашини қўймади.

— Ана, кўрдингизми отажонингизни! Худди беғоналардай кетди-қолди. Аввалги олган 30.000 ни ҳам айтмай қўймади. Менга 200.000 сўм бериб, 230.000 га тилхат ёздириб олганига ўлайми?

— Бўлди, бас қил. Олганини олди дейди-да, аҳмоқ!

— Ха, мен аҳмоқ бўлиб қолдимми хали? Нима қилсам шу рўзгорни деб қиламан, билдингизми?

Тушлик пайтида ҳам, кечда ҳам гап айланиб яна ўша тилхатга тақалди: «Шу расмийчиликка бало бормиди, دادаси?»

кетган товушини эшитмагунча атрофга олазарак кўз ташлаб ўтирди. Сўнг ҳорғин аҳволда ҳовлида кўриниш берди.

— Рангингизда ранг йўқ, хўжайин, тинчликми?

— Қўй, гапирма, энди озгинга маҳкам бўл, мен отамни ўлдириб қўйдим.

— Вой шўрим, бу нима деганингиз?

— Жим бўл, худо хақи, бу иш ҳаёлимда ҳам йўқ эди. Ялинсам ҳам тилхатни бермади. Азбаройи қоним қайнаб кетди. Қайданам касофат тош қўлимга илиниб қолди... Менга қара, тилингда аҳтиёт бўл!

Газхонадан тагила олган таомнинг куйинки иси қаётганди. Зийда ўзини шу томонга урди. Абдухалил бўлса бу даргоҳда ҳозир ортқича бир сония ҳам қололмасди.

Орадан яна бир кун ўтди. Мархумнинг ўртанча келини Балқонийнинг сезгирли-



ТАМБА

ёхуд падаркуш ўғил изтироблари

ўшанда?! Бечора отам!..». Абдухалил олис болагини эслашга уринди. «Эссиз, отажон... Онам ўлганидан кейин бизни довдатилар кўйгани йўқ. Қирқдан ошибман-у, отам учун болагимча қолибман. «Ўғлим, ниманг кам? Манавини ишлаб тур» деб бизни ёмон ўргатиб ўстирган. Йўқилишни сира билдирмаган. Кун бўйи жонини жабборга бериб, масси, тўн бозоридан чиқмади, боққиб.

Ҳайхотдек ҳовлида бир ўзи яшаб турганида бир йўқладимми? Хотиним ёки ўғилларим ярим қоса обиевон турган ёки тутмаганилиги билан нега қизқамдим? Мен ношуд қанақасига фарзандлик қилолдим ўзи?».

Ҳамхона йигит оёқларини очиб қолдирганча ўраниб олиб, хуррак отарди. Хона ва деворлардаги бўшлик маҳкумининг гашига тегаятгандек: «Пешонамда шу ёзқилар ҳам бормиди, эй худо?».

Етган ҳовлида яна хаёл уммонига суза бошлади. Ушанда бир жойдан арзонгаров пиёз келтириб сотилаётганини эшитиб қолди. Пул-пулни топади деганларидек, тезда хабар изидан югургилади. Уловни дарвозаси ёнига бошлаб келиб, бор пулига юк тушириб қўлишни бошлади. «Кани энди кўпроқ пулим бўлса-ю, шу пиёзларнинг барчасини тушириб қолсам. Эрта бир кун пулим икки баравар қўпайиши турган гап». Шу пайт Хизирни йўқлаган каби отаси келиб қолди. Вазиятни билганч, ўлига деди:

— Болам, менда пул бор-у, аммо ўлимнинг учун эди-да. Тезроқ қайтармасанг бўлайди.

Қоп тушираётган Абдухалилнинг туси узгарди.

— Албатта-да, буларни сотган захоти...

Элмурод ота набираларига аталган ширасини келиннга тутқазиб, унинг ортдан ичкарига кирди.

«Қаранг-а, ишга берилиб, отам шўрликнинг қай юмуш билан келганини ҳам сўрамаман». Унинг кўз ўнгига отасининг ҳорғин сиймоси намоён бўлди. «Балки касал бўлгандир. Балки ўшанда

Ҳайла, опа-акаларингизникига сетка-сетка қилиб ташигани-ташиган. Бизникига келганда ҳаммаси ҳисоб-китоби.

Воқеанинг иккинчи кўни Абдухалилнинг уйда яна шу дийдиёқ такрорланди. «Хотиним рост гапираяпти. Шу тилхат ортқича-ёв. Отам бир бошига шунча пулни нима қилади? Биз бойсак, бир четда қараб тураримдик?»

— Кўп жавранма. Сен шу тилхатни энди йўқ деб ҳисоблайёв.

Аввал энсаси қотиб, бетлари бурушди. Сўнг Абдухалилнинг бармоқлари муштга айланди. Кўзларидан ўт чақнаб ўрнидан кўзгалди.

Зийедон бироз таскин топиб нов тагига қўйилган челақдаги сувни кўтариб, тандирхонага ўтди. Қозонга сувни солиб, ўчоққа олов ёқди. Сўнг ҳовли тўрига ўтиб товуқларни қақиллатиб, тўртта тухум олиб қайтди. Қозондаги сув исигунча ошонада куймаланди. Ҳарқалай бу орада анча-мунча вақт ўтиб қолган эди. Бир пайт ҳовлида қайсингилси Мухаббатнинг тахликали овозини эшитиб қолди. Қозон қопқоғини бостириб супага чиқса, куёвлари Шодивер ҳам шу ерда экан.

— Нима гап, тинчликми?

— Қандай тинч бўлсин? Отам бечорани кимдир ҳовлисига ўлдириб кетибди. Эл нима дейди? Нима деган одам бўлдики!

Шундай деб қайсингилси қаҳр отига минди. Қўлини паҳса қилганча Зийедоннинг қаршисига келди:

— Менга қара, ҳов мегажин! Ҳозир мелоса етиб келади. Отам ётган хонага ҳеч қайсинг кирма, эшитдингми?

Шундай деди-ю, ортига қараб кетди.

— Мен нима қилибман? Дадамизга овқат қилаётгандим, қайдан билай...

Бу омонат сўзларни унинг ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмади ҳам. Хиёль ўтмасдан участкавойи ҳамроҳлигида тезкор гуруҳ аъзолари кириб келишди. Ҳовлининг қилба томонидаги дарчаси ортда Абдухалил вужуди қўлоққа айланиб бикиниб ўтирарди. То машинанинг жўнаб

ги масаланинг бир қадар ойдинлашувига асос бўлди. У ўша маъшум ҳодиса рўй берган кун қайнуқаси Абдухалил жадал олдимлар билан ариқ ёқалаб келиб, қайнотасининг ҳовлисига кириб кетганини сизир соғаётиб кўриб турганини айтиб берди. Бундан ташқари судмедэкспертизада мархумнинг ўлимига бош мия ва суюннинг эзлиши, калла гумбаз ва асос суюқларининг синиши билан мияга етказилган жароҳат сабаб бўлгани аниқланди. Самарқанд вилоят суди биологик экспертиза бюроси эса гумондор А.Шомирзаевга тегишли шим ва воқеа жойидан топилган тошда мархумнинг қон гуруҳига ўхшаш қон доғлари қолганини исботлаб берди.

Бойийман деб боши деворга урилган Абдухалилни ҳозир бошқа нарса азоблаб келди. Суд мажлисида лоқал бирор кимса уни ёқлаб оғиз очмади. Шафқат қилайлик, жўжабирдай болалари бор экан демади. Ахир ким ҳам истабди шундай бўлишини...

Маҳкумининг хаёллари шу ерда тиркираб кетди. Камеранинг темир эшигига калит солиниб, очилиши Абдухалилни хушёр тортирган эди.

— Шомирзаев, мен билан юринг!

Азиз муштарфи, бу воқеани эътиборингизга ҳавола қилишдан олдин бир фикрни сизга етказишни ниёт қилиб қўйган эдик. Абдухалил қирқдан ошиб, тўрт фарзанднинг отаси бўлиб ҳам отасининг қўлига кўз тикиб ўтириши ҳеч бир қуошқонга сизгамайди. Қўлига сув қуйиб ота дуосини ололмаган йигитнинг изтиробларидан энди фойда бормикан?

Шундай экан, оилада фарзанд тарбияси учун доимо эътиборли бўлишга ўрганайлик.

М. БАҲОДИРОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори.
М. АЛОВУДДИНОВ,
журналист

Қизалоқнинг қизғалдоқ умри

Светлана Погляд ёш, кўзга яқин қиз эди. У Навоий қончилиқ коллежининг Нуробод бўлимида ўқий бошлаган 2004 йил қузида ҳаётида қизик воқеа юз берди. Жисмоний тарбия дасиси олдидан уст-бошини алмаштира бошлаган эди, дафтан хонага Диллод исмли гуруҳдош йигит кириб келиб қолди. Қиз қўйлагини қўқсига босганча чиқариб юборди. Светланани бундай ҳолда кўрган йигит бироз қаловланиб қолди. Сўнг тезда ўзини ўнглаб олиб, чиқиб кетди...

Балоғат ёшида эмасми, ушбу тасодиф сабаб йигит қизин қузатадиган, у-бу баҳоналар билан йўлини пойдилдиган олат чиқарди.

Бошда бироз лоқайд бўлгани билан Светлана ҳам бунайл жўққилиқ қомига тортди. Шу зайл икки ёш тез-тез кўришадиган, ҳеч бўлмаса телефон орқали гаплашиб турадиган бўлишди. Бир-икки ой шу тарзда ўтди. 2005 йил арасида уйлағилар меҳмондорчиликка эдилар. Қутлагани гуд кўтариб келган Диллодани Светлана эшикдан қайтариб юборгиси келмади. Ичкарига тақлиф этиб, стол ёнидаги дивандан жой кўрсатди. Узи эса тезда дастурхон тузав, гуддор идишда кофе олиб келди. Кейин секин келиб гуруҳдош ёнига ўтирди. Шунда кўзлар яна тўқнашди. Йигитнинг кўллари ҳеч бир эътиросиз қизнинг бўйинига чирмашди. Шу тун улардан бахтлироқ кимса йўқдек туюларди ёшларга.

Кейинчалик сулланувчи сифатида сўроқ қилинган Светлана изтиробларини қуйидагича маълум қилади: «Шундан кейин мен ҳомилдор бўлганимни сезиб қолдим. Улдим-қуйдим деб доим атрофимда парвона бўлувчи йигитимга бу қувончи хабарини маълум қилган эдим, бирдан авзойи ўзгариб қолди. Ота-онам руҳ қизига уйланишимга рўйхушлик бермайди деган баҳона билан мендан узоқлаштишга урина бошлади.

Шунда мени бир-бирдан оғир қушлар кутаётганини илк бора ҳис этдим. Аммо ҳамма дашномларга чидаб бўлса ҳам, ҳомиланим сақлаб қолишга аҳд қилганим. 2005 йилнинг сентябр ойида акушер-гинеколог Зулайхо опа Навоий шаҳридаги тоғ-металлургия комбинатида қарашли шифохонада даволашнишни маслаҳат берди. У ерда 5-6 кун ётдим. Боланим жарроҳлик йўли билан қўлимга олишимга тўғри келди. Зеҳн солиб қарасам, қизимнинг ўнг қўзи чап қўзига нисбатан сезиларли даражада кичик. Шифохонадан ҳам моддий, ҳам руҳий толиққан ҳолда Нурободдаги уйимизга қайтиб келдим. Бу ерда бор имкониятни ишга солиб, боланим парванаси қилишга киришдим. Дастлаб чақалоқни кучли қорин оғригига қаланди. Тун бўйи унга қўйлиб йўғлаб чиқардим. «Тез бўлам» машинасида етиб келган тажрибали врач Татьяна опа чақалоқни обдон текшириб, унда тўғма юрак пороги борлигини аниқлади. Йўғлама асосида бориб, Самарқанддаги таңқил шифокорларга кўрсатди. Таассуфки, ташхис рост бўлиб чиқди. Нуробод шаҳрига қайтган, узлуксиз шифохонада ётдик. Кейин бизни шу йилнинг 20 йиларида шифохонанинг болалар бўлимига ўтказишди. Бир ёқда йўқчилик, иккинчи томонда келаждаги ўқини ҳам қилиб кетаётганли. Тушқун қайфиятда юрдим. Охири ҳаммасига қўл силтаб, ҳаётимни қайтадан бошлашга аҳд қилдим...

Ёш онанинг қарори ҳазилакам иш эмасди. 2006 йил 21 январь кўни уч ойлик қизчасини шифохонада онаси билан қолдириб, ўзи қолжега жўнади. Соат 11 ларда уйига қайтиб, ошхонадаги шиша идишда бўлган укусе кислотасидан пеницилин флаконига бир қошқичча солиб, шифохонага боради. Уйку билмаган оназорини уйига жўнатган, режасини амалга оширини учун қўлай пайт пойлайди. Кундузи уқоллар туғатган, соат 2 ларда палатада бир ўзи қизчаси билан қолгани. Шунда у гўлағиничи бурнини қисиб, оғиз очнига мажбур этади. Иккинчи қўли билан флакондаги укусени унинг оғизга қўйиб юборади.

Шундан кейин шифохонада қандай югур-югур бошланганини тасаввур қилиш қийинмас. Чақлоқ реанимация бўлимига келтирилган, нафас йўллари малҳам ва кислород билан узлуксиз тўйинтирилиб, зарур чоралар кўрилади. Аммо, начора...

Болага ким заҳар ичирганини врачлар бйололмадан хуноб эдилар. Мум тишлаб туртувчи она эса ҳеч нарсалар хабарни йўқлигини тўтқушдек тақоралайди. Шунда участка нозир ҳамроҳлигида етиб келган тезкор гуруҳ аъзолари масала ечимини гумондорнинг хонадонидан излашга киришдилар.

Ошхонадан бироз қўйиб олинган укусе шишаси топилган, Светлана чиқариб йўғлаб юборди. Айбига гўла рқдор бўлиб, ҳаммасини бир бошдан гапириб берди.

Светлана ҳозир тенгқурлари билан ўқиб, ўйнаб-қулаётгани йўқ. Чунки у жазони уташ муассасасида бу ҳақда фақат орзу қилиши мумкин, ҳодос.

Жаҳонгир САТТОРОВ,
Навоий ихтисослаштирилган прокурори



Россиянинг янги бош прокурори ким бўлади?

Якшанба куни Россиянинг федерал йигини спикери Сергей Миронов янги бош прокурор номзоди юқори палата муҳокамасига киритилгани ҳақида маълум қилган эди. Бу ҳақда хабар тарқатган «Эхо Москвы» радиостанцияси Миронов хали анжк маълумот бермагани ва юқори палата йигини бошлангачина номзоднинг кимлиги маълум бўлишини айтиб ўтган.

Эслатиб ўтамиз, Россиянинг собиқ бош прокурори Владимир Устинов 2 июнда лавозимидан озод қилинган эди.

Президент В.Путин журналистларга берган интервьюсида Устинов бундан кейин ҳам юқори лавозимда фаолиятини давом эттиришини айтиб ўтган. Журналистларнинг Устиновнинг истеъфоси сабаблари ҳақидаги саволларига президент ҳеч бир жиддий сабаб йўқлиги, хусусан ўзининг ҳам унга эътирки йўқлигини билдириб ўтган.

Алвидо, Қирим!

Якшанба куни Қиримга АҚШнинг 35 нафар техник мутахассиси етиб келган деб хабар беради ИТАР-ТАСС агентлиги. Улар аввал келтирилган ҳарбий юкларни Феодосия порти орқали орта жўнатиш учун тайёрлашлари лозим. Контейнерлар 24 июнгача Украинанинг «Анатолій Колесниченко» кемага юк-ланиши кутиляпти. Белги-ланган график бўйича 25 июн куни кема Босфор кўрфазини кесиб ўтади. Юклар билан бирга америкалик ҳарбийлар ҳам Қиримни тарк этадилар.

Эслатиб ўтамиз, америкалик ҳарбийлар маҳаллий намо-йишчиларнинг қаршилиги туфайли Феодосия портидан юкларни ичкарига олиб ўтишолмаганди. Шундай қилиб, «Sea Breeze-2006» деб номланган АҚШ ва Украинанинг биргаликдаги ҳарбий-ўқув машқларини ўтказиш режаси барбод бўлган эди.



Ўққа учган ўсмирлар

Янгиролдан (АҚШ) кўчаларидан биринчи беш нафар ўспирини номаълум шахслар томонидан ўққа тутилгани ҳақида АР хабар тарқатган. Маҳаллий полициянинг маълум қилишича, йигитчалар автомашинада кетаётганларида ушбу фожеа рўй берган, натижада йўлдан чиқиб кетган автомобил бетон устунга урилган. Ўспиринларнинг турт нафари воқеа жойида, биттаси эса шифохонада вафот этган. Ҳозирча жабрланувчиларнинг исм-фамилиясини сир тутаётган полиция бу жиноят наркотиклар билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини айтишмаяпти. Янгиролдан ўтган йили августда «Катрина» тўфонини бошдан кечирганидан бўён бундан оғир жиноят содир этилмаган эди дея илова қилади АР.



Президентнинг фикри бошқача

Латвия президенти Вайра Вике-Фрайберга жума куни мамлакат парламентида «КГБнинг собиқ агентлари тўғрисида»ги қонунни такроран кўриб чиқиш учун қайтарди. Бу ҳақда «Новости» мухбири президент девонидан манбаларга таяниб хабар беради.

Латвия президентининг фикрига қўра, сейм аъзолари собиқ КГБ агентларининг рўйхатини эълон қилиш қай даражада мақсадга мувофиқлигини яхшилаб ўйлаб кўриши керак.

2006 йил май ойининг бошида Латвия сейми собиқ агентларнинг исми, фамилияси, отасининг исми, туғилган вақти, агентнинг лақаби, иш жойи ва ёлланган вақти ҳақидаги маълумотларни 2006 йил 1 ноябр куни бўлиб ўтаётган парламент сайловидан кейин «Латвийский вестник» газетасида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Негаки, мамлакат қонунига қўра КГБнинг собиқ агентлари сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

Бу Латвия президентининг мазкур маълумотларни эълон қилишни иккинчи марта таъқиқлаши. Сейм 2004 йил 19 майда ҳам шундай қарорга келган, лекин ушунда ҳам президент бунга йўл қўймаган эди.

Темирйўлдаги портлаш

Якшанба куни Туркиянинг шарқий вилоятларидан биринчи номаълум шахслар томонидан темирйўлда содир этилган портлаш натижасида юк поезде изилдан чиқиб, вагонлар ағдарилиб кетган. Reuters агентлиги тарқатган хабарда портлаш ва поезд ҳалокати оқибатида неча киши жабрлангани ҳақида маълумот йўқ. «ал-Жазира» телеканали тарқатган маълумотда эса Туркия ҳукумати бу портлашда қурл жангариларини айблагани айтиб ўтилган.

Битим мuddати узайтирилди

АҚШ ва Россия душанба куни хавф-хатарни биргаликда камайтириш тўғрисидаги икки томонлама битимнинг амалқилиш мuddатини яна етти йилга узайтирди. Бу ҳақда Оқ уйнинг матбуот хизмати маълумотига асосланиб АР хабар тарқатди.



1992 йили имзоланиб, амал қилиш мuddати 1999 йили узайтирилган мазкур битим оммавий қиргинқуролларини сақлашда, шунингдек, рўйхатдан чиқарилган қуролларни демонтаж қилишда хавфсизлики таъминлаш бўйича АҚШнинг собиқ совет республикаларига ёрдам кўрсатишини назарда тутди.

Оқ уй матбуот хизматининг баёнотида айтилишича, ушбу дастур доирасида мазкур мамлакатларда минглаб ракета ва ядро қаллаклари зарарсизланган, ядро қуролни сақлашда хавфсизлики таъминлаш бўйича қўшимча чоралар қўрилган.

Эслатиб ўтамиз, Россиядан ташқари Украина, Қозоғистон ва Беларус ҳам ушбу дастур иштирокчиси ҳисобланади.

Калашниковнинг даъвати

Машҳур АК-47 автомати ихтиро-чиси Михаил Калашников жаҳон ҳам-jamiтини қурол-яроғ савдосини камайтириш ва бу иш билан ноконуний равишда шуғулланувчиларга нисбатан кескин чоралар кўришга чақир-ти таррадудиди. «The Times» газетаси тарқатган хабарда айтилишича, М.Калашников яқинда бўлиб ўтадиган БМТнинг конференциясида шундай мазмунда маъруза қилуқчи. «Мен яратган қуролдан миллий озодлик кураши ёки мудофаа йўлида фойдаланишлари мени ташвишлантормайди. Лекин бу қурол тинч аҳолига қарши ишлатилаётган ҳолатлардан истироҳ чекаман. Шундай пайтларда мен ўзимни бу қуролни 60 йил бурун фақатгина ўз юртим мафозатини қўлаб яратган эдим дея овутаман», — дея интервью берган 86 ёшли истеъфодаги генерал.

Маълумки, Калашников ихтиро қилган АК-47 автомати 1947 йилдан ишлаб чиқарила бошлаган ва дунёда энг кўп тарқалган ўқотар қуроллардан бири саналади. Айни пайтда ер юзюда тахминан 100 миллионга АК-47 мавжуд бўлиб, у америкаликларнинг машҳур М-6 автоматидан ўн баробар кўндр.

Агар АК-47 андозасида яратилган бодша маркали қуролларни қўлиб ҳисобласа миллиардга етар экан. Ҳозирги вақтда Калашников автомати билан жаҳоннинг 55 армияси қуролланган. Шу марказдаги автомат 11 та мамлакатда ишлаб чиқарилади. Ҳатто бир неча давлат ва ташкилотларнинг гербида ҳам «Калашников» тасвири туширилган.

Тақдирни қарангки, бир пайтлар заковатини қурол яратишга бағиш-лаган М.Калашников бугун қурол-яроғ савдосига қарши курашмоқда.



ОАВ ва Америкача ахлоқ

АҚШ президенти Жорж Буш имзо-лаган янги қонунга қўра TV ва радио эфирларида ахлоққа зид материал-лар берилгани учун жарималар миқ-дори жиддий равишда оширилди дея хабар беради «Washington Post».

Президент бу чоранинг қўллани-шига сўнгги пайтларда ОАВ жур-налистларининг «тез-тез ҳаддидан о-шиб кетаётганини сабаб қилиб қўрсаган. Шунингдек, АҚШ хаб-ари теле ва радио журналистлари-нинг тили қўполашиб бораётгани-га ҳам эътибор қаратган. Бушнинг эътирофида, сўнгги йилларда а-мерикаликларнинг бу йилларда эъ-тирозлари ортиб бормоқда.

АФР агентлигининг хабарига қараганда, Япония Ироқдаги ўз ҳарбий контингентини олиб чиқишга қарор қилган. Ўтган ҳафта Япония вазирлар махмаси томонидан тарқатилган расмий ахборотда «Ироқдаги тинчликпарварлик миссияси ақунга етди деб ҳисоблашни мумкинлиги боис ҳукумат шундай қарорга келган»лиги баён этилган. Япониялик ҳарбийларнинг Ироқни қачон тарк этиши ҳақида эса маълумот берилмаган.

Ироқдаги тинчликпарвар миссия Япония томонидан иккинчи жаҳон урушидан кейин амалга оширилган дастлабки ҳарбий операциядир. Жами 600 кишидан иборат қўшин Ироқнинг Самава шаҳридаги ҳарбий базага жойлаштирилганди. Ўтган вақт давомида улар ҳеч қандай ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмаган.



Фуқаролик жамиятининг асоси

Демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш — Ўзбекистоннинг пировард мақсадиридир. Демократик тараққиёт йўли эса ўта мураккаб жараён.

Ҳуқуқий давлатнинг мумин белгиси бўлиши жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳар қандай давлат учун жуда муҳимдир.

«Қонун устуворлиги, — деб таъкидлаган эди президенти Ислам Каримов, — ҳуқуқий давлатнинг асосий принциплридир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутди. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир ҳўжалик юритувчи ва ижтимоий сийсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсунмиш мажбуриятдан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олиндида ҳамма баробардир. Қонуннинг устуворлиги шунки билдирадикки, асосий ижтимоий, энг аввало иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса, ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ ва нормаларни бузганлиги учун жавобгар бўлади».

Қонун устуворлигининг моҳияти Ўзбекистон Конституциясининг қатор моддаларида белгиланган берилган. Жумладан, 15-моддада «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуниги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бир-

лашмалари, фуқаролар конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар» деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонун устуворлигига хилоф иш тутиш, мансабдорларнинг уларни оёқсига қилиши қонунларни обрўсиз-лантиради, давлат ва жамиятнинг маънавий асосла-рига путур етказди, халқнинг норозилигига сабаб бўлади. Айниқса, фуқароларнинг давлат тузилмалари билан муносабати бутун бир тизимдаги ижтимоий адолат қондаларининг ҳолатини белгилаб беради.

Конституция ва қонунларга риоя этмаган шахсларнинг жавобгарлиги конституциянинг ўзида ёки тегишли қонун-ларда мустаҳкамлаб қўйилган. Масалан, конституция-нинг 98-моддаси 15-бандига мувофиқ конституцияни, қонунларни бузган туман ва шаҳар ҳокимларини мамла-кат президенти лавозимидан озод этишга ҳақлидир.

Бугунга келиб демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш мақ-садида юртимизда конституция ва қонунларнинг усту-ворлигини таъминлашнинг тўлиқ ҳуқуқий қафолатлари яратилган. Аммо, конституциявий ҳуқуқий қафолатлар ва юридик механизмларни муттасил такомиллаштириб бориш билан бирга қонун устуворлигини таъминла-нинг иқтисодий, сийсий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий қафолатларини ҳам такомиллаштириш лозим.

Хуқуқий давлат сари

Мавлуда БҮРИЕВА,
Эркин ХАЙРУЛЛАЕВ

Шаҳар ёпиб қўйилди

Исроилнинг Сдерот шаҳри мунта-зам ракета ҳужумларида жавоб чор-аси сифатида ёпиб қўйилди. Шаҳар аҳолиси умумий иш ташлаш эълон қилиб, шаҳарнинг барча кириш-чи-қиш жойларини эгаллаганлар. Кеча-си шаҳар кўчаларини ёпиб туривчи чироклар ҳам ўчириб қўйилмоқда.

Бу акция даставвал 19 июнга мўлжалланганди. Лекин бу ерга Ис-роил президенти Моше Кацава ва мудофаа вазири Амир Перечининг ташрифи муносабати билан у бир кунга кечиктирилганди.

Шу кунларда Сдерот шаҳри фа-ластинлик жангариларининг асосий ишонига айланган. Улар шаҳарни «Қасам» деб номланган ракета-лар билан ўққа тутишмоқда деб хабар беради «Haaretz» газетаси.

Миллардер Россия бозорига қайтади

Россиянинг энг бой кишиси Ро-ман Абрамович рус металлургия бизнесига қайтмоқда. Унга қараш-ли Millhouse гуруҳи Evraz Group тоғ-металлургия компаниясининг 41 фоз акциясини сотиб олиш ҳақида шартнома тузишга муваффақ бўлди деб хабар беради АФР агентлиги.

Савдонинг суммаси ҳақида анжк маълумот йўқ. Илгари агентлик 40 фоз акция учун Абрамович тахминан 3 млрд. доллар тўлаши ҳақида ёзган эди. Шунингдек, келажақда Millhouse гуруҳи Россиянинг бошқа металлургия компанияларининг активларини ҳам сотиб олишни ре-жаллаштирганлиги ҳақида ҳам ха-бар берилган.

Германия — 2006

Украина термаси аслида қандай жамоа?

Футболда шундай: жамоанинг бир ўйинини кўриб қатъий ҳулоса чиқариб бўлмайди. Чемпионат дебютанти Украина термасининг 14 июн кунини Испанияга қарши майдонга тушиб 0:4 ҳисобида мағлуб бўлиши айрим ишқибозларнинг ҳафсаласини пир қилган эди. Аммо саудияликларга қарши бўлган навбатдаги ўйинда украинлар рақиб дарвозасига жабобез 4 та гол уриб, аслида қандай кучга эга эканликларини бутун дунёга кўрсатиб қўйишди. Энди уларни кейинги босқичга чиқиш учун туруқдаги охириги ўйинда дуранг натижа ҳам қониқтиради.

«Н» гуруҳида Испания термаси мuddатидан олдин плейофга чиққанини муҳлислар яхши билишса керак. Ўзбекистонлик муҳлисларни энг кўп қизиқтирадигани ОФК аъзолари кўрсатидиган натижалар. Ҳозирча Жанубий Корея, Австралия ва Япония термаларида плейофга чиқиш



учун озми-кўпми имконият бор. Иккинчи тур ўйинлари туташ билан бошқа гуруҳларда Германия, Эквадор, Англия, Аргентина, Голландия, Португалия, Бразилия термалари мuddатидан олдин шундай йўланмани кўлга киритиб бўлишди. Қолган омадли жамоаларнинг номи 23 июн кунини узиб-кесил маълум бўлади.

Икром МУСАЕВ



12 июн кунини мусобақани Фориш тумани ҳокими Б.Узоқов очди. Шундан сўнг республикамизнинг турли вилоятларидан келган жамоалар майдонда саф тортишди.

Қалбларга жўшқинлик бахш этадиган куй-қўшқилар янгради. Мен тумандаги «Бекпўлат» тазквондо клуби раҳбари К.Айимбетовни сўхбатга тортидим.

— «Ёшлар жиюнотчилиқка, гилёхандликка, диний экстремизм ва терроризмга қарши» шиори остида ўтказилаётган беллашувга асосан 1989 — 1992-йилларда тузилган ўғил-қизлар жалб этилган. Мусобақада шогирдларим ҳам иштирок этаяпти. Улардан умидим катта.

Мусобақанинг асосий босқичи

эртаси кунини туман қишлоқ ҳўжалик коллежининг спорт залида бўлиб ўтди.

— Ушбу мусобақада иштирок этаётганимдан мамнунман, — дейди Самарқанд вилоятининг «Саттепо» клуби аъзоси Феруз Аҳмедов. — Устозим Зафар Хайдаровдан ўрганганларим менга ҳамма вақт қўл келади.

— Ёшлар тарбиясида спорт катта аҳамиятга эга, — дейди туман прокурори Б.Оролов. — Спорт кишини жисмонан чиққиради, рухан теликлаттиради. Шунингдек, спортчилар ўйинқоидаларига бўйсуниб, маданиятга бўлиб, рақибни ҳурмат қилишни ҳам ўрганади.

— Жиззах вилоятида биринчи марта бўлишим, — дейди сурхондариёлик Муяссар Шоймардонова.

— Форишликлар илиқ кутиб олишди. Биз истиқомат қилган коллеж ётоқхонаси ҳам талаб даражасида. Беллашувга Сурхондарёдан 30 та спортчи келган.

Қизгин ўтган мусобақа 14 июн кунини якунланди. Умумкоманда ҳисобида биринчи ўринни Фориш туманининг «Бекпўлат» тазквондо клуби эгаллади. Сурхондарё вилояти тазквондочилари иккинчи ва Тошкент вилояти спортчилари учинчи ўринларга муносиб деб топилиди. Фоллиларга ташкилотчилар ва ҳомийларнинг қимматбахо совғалари топширилди.

Икки кун мобайнида бўлиб ўтган ушбу мусобақа ёшлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Гўзал ҚАМБАРОВА

Фанишер институт дипломини олдию қишлоққа қайтди. Онанасининг «бир-икки кун дамингни оли» деганига ҳам қарамай, эртаси кунини ҳўжалик раисини Мавлон Болтаевнинг хонасига кириб, дипломинини унинг кўлига тутқазди.

— Дипломли бўлсанг, ўзим ишга оламан, — деган эдингиз. Мана, диплом!

Болтаев дипломини ҳафсаласизлик билан очиб, ўқиган бўлди ва уни иккинчи кўлининг қафига уриб-уриб, сўнг Фанишер томон сўриб қўйди.

— Ука, сал кечкидинг, — деди янгина қишайиб. — Яқинда битта зоотехник олиб қўйгандинг. Илоҳтаси кўплик қиладими дейман-да. Агар, хўп десанг, етти хазинанинг бири товухқонага — товухқоқарга ёрдамчи қилиб оламан. У эрта-индин пенсияга кетади. Унинг автоматический ўтиб кетасан, розимисан?

— Боқи ака, рози бўлсам, бутун қишлоқ устидан қулайдимми? — элтди-рош билдирди Фанишер.

буқасига едирыпти», деяпти.

Улар қаватида юрган ферма мудирига раис ўқрайиб қараганди, мудир гуноҳқордек бошини ҳам қилди. Буқанинг ёнидан ўтиб, қавш қайтариб турган сигирнинг олдига етганди, сигир ҳам бўйинини чўзиб «мулаб берди.

— Бу нима деяпти?
— «Хар кунини мендан соғиб олиган ўн икки литр сутнинг икки литрини соғувчи яшринча уйига олиб кетади», деяпти.

Раис тезда соғувчини топтириб, зуғумга олганди, у дарров айбини бўйинига олди.

— Қайнонам сутни яхши кўрадилар, шунга хар кунини озгина-озгина олиб бораман, — деди кўзлари ёшланиб. — Бошқа қилмайман, Боқи ака!..

Раис Фанишернинг жавобларидан қониқмади чоғи, шарт орқасига қайтиб:

— Товухқонага борамиз!
— деди. — Кўраимиз, товух-хўрозларнинг ҳам тилини тушунармикан-

ТУҒМА ЗООТЕХНИК

— Нега қулишди? Пединститутни битириб келган Абди тоғанинг ўғли шу жойини сўраб, ҳоли-жонига қўймай юрибди. «Кел» десам, ҳозир жон дейди. Сен бўлсанг, ноз қилсан!

— Тўғри, мен зоотехникман. Ҳали яхши қарамадингиз, дипломим олдию эмас, «Иштиёзли диплом». Мен — туғма зоотехникман!

— Туғма, дейсанми? — елка учуриб қулди Болтаев. — Туғма зоотехник қанақа бўларкан?

— Мен хайвонлар тилини биламан. — О! — деди Болтаев хайратини яшириш учун қарқаш отаркан. — Сен-а? Агар гапинг рост бўлса, юр-чи, сигирхонадаги сигирлар билан гаплашиб келайлик!

Раис Фанишерни машинасига миндириб, тўғри сигирхонага олиб борди ва кантарили буқа ёнидан ўтишайтганда, буқа бўйинини чўзиб, «мулаб» ади, Болтаев таққа тўхтаб, туғма зоотехникка қоси қочди:

— Қани, айт-чи, бу нима деяпти? — Фанишер тезда жавоб қайтарди: — «Менга бериладиган қулчи емнини тенг ярмини ферма мудирини ўз

сан? Ёш зоотехник сўзсиз унга эргашди.

Меҳмонларга пешов чиққан товухқоқар энди оғиз жуфтламоқчи эди, хўроз қичқариб юборди. Раис товухқоқардан «хўроз нега пешинда қичқираяпти?» деб сўраганди, унинг ўрнига Фанишер жавоб берди:

— Хўроз: «хар кунини бу ердан иккита-учта товух-гумдон бўлапти», деяпти. — У гапини тутатар-тутатмас, қўноқда тизилди турган товухлар ҳам «ку-қу-лади». Раис «булар нимадан шикоят қилаяпти?» дегандек Фанишерга қараган эди, у:

— «Товухқоқар қотил! У хар кунини эрталаб ўпта туҳумини ютиб, тушлиқда иккита жўжани қовуради», дейишяпти, — деди товухқоқарга қарамаликка ҳаракат қиларкан. Раис «бу нимаси?» дегандек қараган эди, товухқоқар қизариб кетди.

— Товухлар лоф уряпти, раис бова, — ўзини оқлашга ўтди у. — Мен ҳрфизмидимки, бирварақайига ўпта туҳумини ютиб юбораман! Онда-сонда битта-иккита бўлиб туради. Жўжа масаласи-

Ҳажсия

га келсак, иккита эмас, битта, у ҳам у кундан-бу кунга. Энди такроланмайди, кечиринг!

Раиснинг ўзи ҳам туҳум ва жўжани шу ердан олиб тургани учун товухқоқарга қаттиқ гапиролмади. Йўлга бир-икки оғиз пўписа билан чекланиб:

— Қўзингга қара, иш шу залда бороверса, ишсиз қолсан! — деди ва Фанишерни машинага бошлади. Машина йўлга тушган.



да, ҳайдовчи: — Раис бова, ҳали «қўйивчондан хабар олиш керак» дегандингиз, йўлақай кўриб ўтмаймизми? — деб сўради. Раис ўзимча бир нималарни ўйлаб:

— Майли, ўша томонга ҳайда! — деди...

Чўпон билан кўришиб бўлган раис дўписини олиб, бир қоқди-да, қайта бошига қўчқардан, чўпондан:

— Совликлар қалай, худда-бехудда бўриларга ем бўлмаятми? — деб сўраганди, чўпон чўнтагидан қоғоз чиқариб, раиснинг қўлига тутқазди: — Раис бова, ўзингиз тафтишчиларга деб олдирган тўртта қўйини ҳам шу «актга»...


Раис «жим» дегандек лабини тишлади. Шу пайт кўрадаги қўйлар маъраб юборди.

Фанишер: — Бу қўйлар, — деб тилмочликка ўтганди, ҳовлиқиб қолган раис: — Ука, сен бу қўйларнинг гапига эътибор берма! — деди унинг тирағидан тутиб. — Асосийси ишга қабул қилиндинг, эртдан ишни бошлайвер!

Фанишер қўйини кўксига қўйиб, бошини сал эгтама жимлайиб қўйди. Илком ЗОЙИР

Кизиқарли факт

Агар ҳамма одамлар денгиз ва океанларнинг ўсимликларидан озиқ сифатида фойдалана олганлариди, улар 290 млрд. кишини боқишга етар эди.



ТАБАССУМ

Пенсиятр қабулида:
— Келинг, нима безовта қилаяпти?
— Доктор ҳаёлимда мен гапирганимда менга ҳеч ким қулоқ солмайди. Илтимос ёрдам қилинг.
— Гапиринг, нима безовта қилаяпти?

География ўқитувчиси ўқувчига савол бераяпти:
— Панама канали ҳақида нималарни биласан?
— Ҳеч нарса. Домла, бизнинг телевизорда бундай канал йўқ.

Физика дарсида:
— Барча жисмлар соғуқда тораёди, иссиқда эса кенгаёди. Бунга ким мисол келтира олади?
— Уқувчилардан бири:
— Қишда қунар қисқароқ бўлади!

Харидор сотувчига дўқ қилаяпти:
— Бу қандай тартибсизлик?! Менга шикоятлар китобингизни беринг!
— Қайси жылдини?

Нима сабабдан хотининг билан ажралясан?
— Мен билан ярим йилдан бери гаплайшмайди.
— Шошилмасдан яна яхшилаб ўйлаб кўр. Бундай хотинни топшиш қийин бўлади.

Харфларни тўғри кетма-кетликда улаб, «Жаҳон чемпионати — 2006» юлдузларини топинг.



Huquq
yuridik gazeta

Te'asischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriiddin VALIYEV, Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahu G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-98-40, 133-26-62.
E-mail: info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 21

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrini tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatish shart. Tijorat ahariyatiga mo'lik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma **Г — 856**.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: Doniyor XALLOV
Musahhib: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NIMK bosmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxonaning manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 1 2 3 4 5 / 8

Gazeta haftaning chorsanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda